

У.А. ЖУМАНАЗАРОВ
Д.У. ЖУМАНАЗАРОВА



ТОПОНИМИКА ВА ХАЛҚ ПРОЗАСИ

Қилбанди Диннозатон!

"Или найзанибарларнинг мероси, омилар
эса умарнинг меросхўридир? - деган
пурназго фирлар ҳақида вақт
бўлганинг бўлсин!

Или эгаллаш ва омилик
бўлганда қакан муваффақийтлар
қилр бўлганда баъдан қайт тилаб
қолман.

бу" ҳурлат билан назорат бузрувчилар

Абдул

16.11.05.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАЪЛИМ Маркази

А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

У.А.Жуманазаров
Д.У.Жуманазарова

ТОПОНИМИКА ВА ХАЛҚ ПРОЗАСИ

*(олий ўқув юртлири филология ва бошланғич таълим услубияти
факультетлари талабалари учун ўқув қўланми)*

Ушбу ўқув қўлланмада жой номлари билан боғлиқ ривоятлар ва
уларнинг ички туруҳлари ҳақида, шунингдек, сюжет таркибидagi жой
номларининг кимга ва нимага боғлиқ ҳолда келиб чиқishi, тарихи ва
номлаиши этимологияси ифодаланган объектининг тарихий, табий –
географик ва ҳажмий хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Мазкур ўқув қўлланма педагогика олий ўқув юрғларининг
филология ва бошланғич таълим ўқубияти факультет талабалари, мактаб
ўқитувчилари, аспирант ва тадқиқотчилар, шунингдек, илмий – педагогик
тадқиқот ишлари билан шуғулланувчиларга мўъжалланган.

Ушбу қўлланма А.Қодирий номидаги Ўзбекистон Педагогика
институтининг ўқув – услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

ф.ф.д., проф. Жўраев М.

Тақризчилар:

ф.ф.д., проф. Саримсоқов Б.И.

Ф.ф.д., проф. Имомов К.И.



001-B-090-500

3,02-2005-52

SANGZOR

КИРИШ

Инсон ўзи яшаган жойини ҳамма вақт бирор ном билан атаган. Дарҳақиқат, агар ер юзидаги барча жойлар махсус номлар билан аталмаганда эди, кишиларнинг мақоли кенгликдаги ҳудудлари издан чиқиб, ижтимоий—иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётни тартибга солиб бўлмасди. Демак, жой номлари ижтимоий ҳаётда жуда катта амалий аҳамият касб этади. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўзи яшаётган жойини махсус атама билан юритишга мажбур. Ана шу атамалар асосида ётувчи энг “тарихча” лар, изохлар эса ё топонимик афсонали, ё ривоятли танкил этади.

Ўзбек топонимик афсона ва ривоятлари ҳанузгача тугал тўйланиб, фанда жиддий илмий нигоҳдан ўтказилганича йўқ. Бинобарин, жуда кўплаб топонимик афсона ҳамда ривоятлар ҳозирги кунда жой номларининг ўзгартирилиши натижасида аста—секин унутилиб бормоқда. Бу эса ижодкор халқнинг турли жойлар ҳақида яратган гўзал энг тарихининг унутилишидан бошқа нарса эмас.

Топонимик афсона ва ривоятлар илмий тилда халқ этимологияси деб ҳам юритилади. Ҳудди мана шу «халқ этимологияси» ҳамма вақт тўғри ва инсонларни бўлавермайди. Биз учун эса ижодкор халқ томонидан яратилган афсона ва ривоятларининг гўзал талқинлари, уларнинг назокат ҳамда фавқулодда ҳайратомузлиги аҳамиятли. Чунки, қай даражада бўлмасин, ҳар бир топоним асосида яширинган “тарих” халқ маданиятининг бевосита таркибий қисми саналади.

Ўзбек топонимик ривоятларида яширинган “тарихча” лар ҳақида сўз юритишдан олдин топонимик афсона ва ривоятлар ўртасидаги фарқ нимада?,- деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Чунки ҳанузгача илмда айрим фольклоршунослар уларнинг ҳар иккинсини ҳам биргаликда таҳлил этганлари ҳолда улар ўртасидаги тафовутларни кўрсатмайдилар. (Қаранг: Имомов К., Ўзбек халқ прозаси, Тошкент, 1981, 94—100—бетлар).

Модомики, афсона ва ривоятлар мустақил жанр сифатида бир—бирларидан фарқланар экан, демак, топонимик афсона ва ривоятлар ҳам ўзаро фарқланганларини лозим. Бизнинг фикримизча, топонимик афсоналарда мифологик образлар, фантастик тасвир, ғайри табиий кучлар фаол иштирок этади. Масалан, Бахмал туманида ёзиб олинган “Уч қиз” афсонасида нажот тилаган қизлар ва учар отлар, Мирзачўл туманида ёзиб олинган “Қаналасой” ёки “Олтинсой”, шунингдек, Хоразм воҳасида ёзиб

олинган "Ҳазораеп" афсонасида Сулаймон пайғамбар, учар минг отлар, "Дев қалъа" афсонасида баҳодир Фарҳод, жодутар, миселсиз тўғи, Ширинлар иштирок этишади ва ҳоказо. Топонимик ривоятлар сюжети ва кўпинча ҳаётини ўйдурмаларга асосланади. Бинобарин, уларда мифология образлар, фантастик тасвир учрамайди ва мана шу хусусияти билан топонимик афсоналардан фарқланади. (Бу ҳақда тўлароқ маълумот олинган учун қаранг: Жуманазаров У., Эргашева Г. Топоним ривоятлар ва афсоналар тарихий географик манба сифатида//Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари. Тошкент., 1990, 95 – 106 – бетлар).

Топонимик ривоятлар сюжет таркибидagi жой номларининг кимга ва нимага боғлиқ ҳолда келиб чиққани, тарихи ва номларининг этимологияси, ифодаланган объектининг тарихий, табиий—географик ва ҳажмий хусусиятларидаги харақтерига кўра қуйидаги ички гуруҳларга бўлинади: а) этнотопонимик ривоятлар; б) ойконимик ривоятлар; в) орономик ривоятлар; г) гидрономик ривоятлар. Бундай ривоятлар сюжетидаги ҳар бир атамаларининг ўзига хос этик "тарихи" мавжуд бўлгани учун қуйида уларни алоҳида—алоҳида қисқача кўздан кечирайлик.

ЭТНОТОПОНИМИК РИВОЯТЛАР

Уруғ, қавм, қабила, жамоа, миллат, халқ номлари асосида яратилган жой номлари этнотопонимлар ва улар номлари билан боғлиқ ривоятлар эса этнотопонимик ривоятлар деб юритилади. Бу гуруҳдаги ривоятлар генетик жиҳатдан топонимик ривоятлар таркибидagi энг қадимги гуруҳ саналади. Тарқалини ва янаш харақтерига кўра узоқ тарихий даврни бошидан кечирган бўлиб, улар ўз навбатида маълум бир халқнинг тарихини, этик қатламнинг ўрғанишида, уларнинг тарқалини чегарасини аниқлаида ва кўрсатишида муҳим манба сифатида алоҳида аҳамиятга молик.

Маълумки, бонқа туркий халқлар каби ўзбек халқи ҳам юзга яқин уруғ ва қавмлардан таркиб тошган. Қадимда ота—боболаримиз, авлод—аждодларимизнинг кўчанчи ва ўтроқ ҳаёт кечиришлари даврида уларнинг қайси уруғ ва қавмга мансублиги дастлаб бирор объектни— жойини фарқлаишга хизмат қилган. Бинобарин, ҳар бир уруғ ва қавмининг ўз яйловлари, далаи жойлари, дарё ва кўллари, қароргоҳ ва кўрғонлари бўлган. Шундай шароитда маълум бир географик маконнинг кимга мансублиги, қайси уруғ ва қавм вақилларининг янаш объектини— жойини фарқловчи, чегара сифатида ажратиб берувчи бирдан—бир манба бўлган. Тарих саҳифаларидан маълумки, бу жараён анча узоқ босқични бошидан кечирган. Ёшлар тоборо ўтроқланиб борган сари улар яшайдиган макон

ва қишлоқ, кейинчалик, ҳатто шаҳарлар ҳам шу жойдаги этник қатламларининг номлари билан юритилиб келинган. Шунинг қайд этини лозимки, ҳозиргача ўзбек халқининг қўилаб уруғ ва қавмлари номлари унутилиб юборилган. Лекин уларнинг анчагина қисми ҳақиқатда бугунги кунда ҳам мустақил ва кеснажаги порлоқ давлатимиз территориясидаги жойи номлари таркибида яшаб келмоқда. Масалан, Дўрмон, Найман, Қинчоқ, Кенетас, Нукус, Жалойир, Сирғали, Болғали, Қирқ, Туёқли, Қангли, Қаторғон, Қалмоқ каби элликдан ортиқ уруғ ва қавмлар номлари билан юритилувчи этнотопонимлар шулар жумласидан. Ҳозирги Хоразм атамаси ҳам айрим тарихчи ва этнограф олимларининг хабар беришларича, ана шу тариқа юзага келган. Бу хил жойи номларига қараб, шу номли қишлоқ ёки шаҳарда қадимдан шундай қабилалар, уруғ ва қавмлар, жамоа ва халқлар истиқомат қилганлар, улар номлари билан боғлиқ турли вариантлардаги ривоятлар албатта яратилган, деган фикрни бемалол айтиши мумкин. Бундай ривоятларда у ёки бу этнонимлар билан боғлиқ топонимларининг ўрни ва макони, табиий—географик тузилиши, шунингдек, ўша маконда яшовчи уруғ— аймоқ, қавм ва қабилаларининг узок ўтмишдаги интимоний— сиёсий тарихи, фаолияти, урф—одадлари ва тарихий маданияти ҳақида ҳам биз учун подир маълумотлар берилади. Қўйида уларнинг баъзилари ҳақида қисқача фикр юритамиз.

Ривоятларда айтилишича, қадим замонда бир подшо бўлиб, унинг жудда ҳам жасур, ўз она—ватанини ҳимоя қилишда тенги йўқ қўшини ва иккисидан ланкарбонилари бўлган экан. Қўнлардан бир кун ланкарбонилари бир гурӯҳ қўшини билан подшонинг адолатсиз сиёсатига қарши исён кўтарадилар. Подшо исёнин анча қийинчилик билан бостиради ва исёнчиларининг ҳаммасини ўлимга буюради. Лекин подшога яқин қишлоқлар исёнчи қўшинларини ўлдирини ўрнига уларининг барчасини бир қўли—бисёнга олиб бориб ташлашнинг маслаҳат берадилар. Бу маслаҳат подшога маъқул тушади. Ҳукм қилинганларини ўз ватанидан жудо қилиб, қўнлар орасида чапғалзор ва тўқайзор бўлиб ётган дарё бўйидаги бир жойга олиб бориб ташлашнинг буюради. Ҳукм тезда бажарилади. Сўргун қилинган ланкар ва ланкарбонилар анча қобилиятли, меҳнатсевар бўлиб, ўша чапғал ва тўқайзорларини обод бир ўлкага айлантириб юборадилар. Қўн йиллар ўтиши билан подшо сўргундаги собиқ қўшинларидан хабар олинини буюради. Подшо одамлари келиб, илгариги чапғал ва тўқайзорларини кўриб, уни ҳеч таниб бўлмас эмиш. Ҳамма ерда обод шаҳар ва қишлоқлар, сувга тўла ариқлар. Улар шаҳар бошлиқларининг энг каттаси билан учрашадилар ва ундан “Бу қандай ўлка?”— деб сўрайдилар. Шаҳар каттаси: “Бу ердаги халойиқ бир вақтлар ўз подшога томонидан хор қилинган эди, энди эса ўз меҳнати билан шаҳар ва қишлоқлар қуриб азим бўлган”, — деб жавоб берибди. Бу воқеани ҳалиги подшога келиб айтиб берибдилар. Подшо

илгари хор бўлиб, кейин азим шаҳарга айланган ўша юрт киникларининг гуноҳини кечиб, уларни буидан кейин Хоразмликлар, деб аташни буюрибди. Шундан буён бу жойдаги янаб кезаётган аҳоли хоразмликлар деб номланиб қолди...

Хоразм этнотопонимининг пайдо бўлиш тарихини бир оз бўлса ҳам тушунишга ёрдам берадиган бу ривоят айрим тарихчиларнинг асарларидаги берилган маълумотларда ҳам такрорланади. Масалан, X асрда янаган таниқли араб тарихчиси ва географи Мақсудийнинг асарларида келтирилган бир ривоятга деярли сўзма-сўз ўхшаб кетади. Тарихчи Хоразм этнотопонимининг келиб чиқишини қўйидагича ҳикоя қилади: Қадим замонларда Шарқ подшоеси ўз мамлакатида яшовчи 400 га яқин киниқа дарғазаб бўлиб, уларни аҳоли яшайдаган жойдан 100 фарсах ерга элтиб қўйишни буюради. Бу жой кос (қадимги Хоразмнинг маркази, ҳозирги Қорақалпоғистондаги Беришкўй тумани маркази—У.ИҚ.) деб аталган. Подшонинг ҳукми бажарилади. Узоқ вақт ўтгандан сўнг подшо ўз хизматкорларига сургун қилинган одамлардан хабар олиб келишни буюради. Подшо хизматкорлари келиб, уларнинг ҳаммаси ҳаёт эканлигини, каналлар қазиб, сув чиқариб, чайла қуриб балиқчилик билан шуғулланаётганлигини ва уларда ўтин-чўи кўпчилигини кўрадилар. Подшо хизматкорлари қайтиб келиб, ўз кўрган-билганларининг ҳаммасини бирма-бир айтиб беришибди. Сўнгра подшо: “Улар гўштини нима дер эканлар?”, — деб сўрабди. Хизматкорлар: “хор” (хавар), — деб жавоб берибди. У яна: “Ўтинини-чи?” — деб сўрабди. Улар “разм” деб жавоб қилибдилар. Подшо буни эшитиб: “Ўша жойларни шуларга тақдим қилдим, унга хоразм (хваразм) деб ном бердим”, — дебди. Сўнгра уларга 400 турк қизларини олиб бориб тўй-тамоша қилиб беришینی буюрибди. Подшо хоразмликларга Ўқайхўн дарёсидан канал каздириб, сув чиқазиб берибди. Ўшандан бошлаб бу халқ ва унинг авлодлари хоразмликлар деб ном олибди (Қўранг: Жабборов И. Қўхна харобалар сирин. Тошкент, 1968, 10—14—бетлар).

Хоразмликларнинг келиб чиқиши тўғрисида тарихчи Мақсудийдан ронна—роса 900 йилдан кейин Хива хони Оллақули (1825—1842) саройида Эрон элчиси бўлиб хизмат қилувчи Ризақулихон айтиб берган диний—фантастик қобилидаги афсона вариантини ҳам бизгача етиб келган. Умуман, хоразмликлар тўғрисидаги этнотопонимик ривоятларнинг баъзисинда келтирилган маълумотлар гарчи ҳаётини уйдирма характери бўлса—да, қадимги Амударё воҳасининг туб аҳолиси ҳар хил уруғ ва қабилалардан иборат бўлганлиги ҳамда уларнинг ижтимоий—иқтисодий ва ҳўжалик фаолияти ибтидоий даврдаги калтаминораликлар маданиятига ўхшашлигидан дараж берини фанда олимлар томонидан исбот қилинган.

Хоразм топонимининг жуда қадимийлиги қатор маъбалардан маълум. Унинг турли маъбаларида турли шаклда тилга олинганлигини ўзи ҳам жуда ўзоқ даврлардан бизга етиб келганлигини кўрсатади. Масалан, энг қадимги Марказий Осиёга оид муқаддас, маънавий—маърифий асарларидан бири — “Авесто”да “Хнайрезм”, грек ва лотин тилларида “Хорасмиё”, қадимги форсчада “Уварзмин”, арабчада “Хваризм”, хитой маъбаларида “Холи—си, ми—кия,” XII асрга оид Хоразм таъгаларида “Хваразм” деб тилга олинади. Лекин олимларнинг жуда кўпчилиги бу сўзнинг иккинчи бўлини таржима қилишда деярли бир хил фикрлар айтишди. Улар охириги бўлини “узем” ёки “зм” ни форсча “замин” сўзи билан боғлаб “ер” ёки “тувроқ”, деб таржима қилдишди. Этнотопонимнинг келиб чиқishi тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд бўлиб, унинг маъноси турлича изоҳланади. Жумладан, бир гуруҳ олимлар “наст текистик ер”, “сер унум ер” десалар, бошқалари “унумсиз ер”, “ёмон ер” деб таърифлайдилар. Бошқа гуруҳдаги айрим тадқиқотчилар эса Хоразмнинг биринчи бўлини форсча “хур”, яъни “қуён” сўзи билан боғлаб, “қуёнлик ер” яъни “қуён ўлкаси” деган ном билан изоҳлайди. (Бу ҳақда қараи: Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. М.—Л. 1948, с.80; Жабборов И. Қўҳна харобалар ери, 10—14— бетлар). Барча тадқиқотчилар топонимни икки қисмдан иборат, унинг иккинчи қисмини зм, зем деб ўқийдилар. Бу сўз ҳинд—европа тилларидаги ер, ўлка яъни форсча “замин”, русча “земля” демакдир. Аммо номнинг биринчи компонентини эрон тиллари асосида талқин қилиш турли вариантларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. (Қараи: Дўенмов З. Хоразм топонимлари. Т., 1985, 14—15—бетлар). Хоразм воҳасида жуда катта археологик—этнографик тадқиқотлар олиб борган марҳум профессор С.П. Толстов Хоразм топонимини этник ном орқали изоҳлайди, яъни оид Осиёдаги Митанни давлатининг асосчилари бўлган кабила хуррит номи билан боғлайди, яъни Хоразм—“Хварри—зем” (хурритлар ери, ўлкаси) маъносида бўлса керак, деган фикрини билдиради. Демак, С.П.Толстовнинг изоҳлашига кўра, Хоразм атамаси қадимги “Хварри” қабиласи янайдиган жой маъносини аниқлатади. (Толстой С.П. Эслатилган асар, 81—бет; Шу муаллиф: “Қадимги Хоразм маданиятини излаб”. Т., 1964, 83—бет). Биз ҳам олимнинг фикрига тўла қўшилган ҳолда мазкур топоним асосида этноним ётади ва у ҳозирги кунга қадар тўла маънода этнотопонимга айланган, деган фикрдамыз.

Ўран келганда шунини алоҳида қайд этгани лозимки, жумҳуриятимиз топонимиясида этнонимик қатламлар асосида вужудга келган жой номлари—этнотопонимлар жуда кўпчилик учрайди. Масалан, Хоразм топонимиясидаги “Алгинжилар”, “Қизилбаш”, “Шоҳсувар” (“Шосувар”) каби этнонимлар ҳам шулар жумласидандир. Айрим ишончли тарихий

манбаларда қайд этилишича, қизилбонлар, шохсувар (Шохсувар) номли билан боғлиқ қабилалар уюшмаси Соҳибқирон Амир Темур бобомиз яшаган ва ҳукмронлик қилган даврда Хоразмга келиб қолган ва туб маҳаллий аҳолининг этник таркибига, айниқса, қичоқ уруғлари билан қўшилиб кетган. Ушбу этнонимлар билан боғлиқ тарихий маълумотларда (Қаранг: МИТТ, II, с.10–11; с.113–114.) улар ҳақида яратилган ривоятлар ҳам берилган, ҳатто айрим тарихчиларнинг асарларида ҳам шундай ҳолини кўриш мумкин. Масалан, Мирзо Мехдихоннинг “Тарихи Нодиршоҳ” асарида (XVIII аср) Олтиғажиков этнотопонимининг номлангани ҳақида шундай маълумотлар бор: Хоразм хони Шерғозихон (1715–1728) Манҳадга ўз элчилари билан бир неча савдогарини ҳам юборади. Чоҳча вилоятига келганда савдогарлардан бож талаб қиладилар. Натижада маҳаллий кишилар савдогарлар билан қаттиқ жанжаллашадилар ва уларнинг бор бисотиини талон–тарож қилиб тортиб оладилар. Шундан кейин Шерғозихон Нодиршоҳга қайтадан элчи юбориб, улар ўртасидаги бўлиб ўтган барча воқеа тафсилотларидан хабардор қиладилар. У Нодиршоҳдан савдогарларнинг мол–мулкини қайтаришга ёрдам беришини илтимос қиладди. Нодиршоҳ унинг бу илтимосини бажо келтиради. Шундан сўнг хурсанд бўлган Шерғозихон шохга ўз наварларидан 500 кишини хизматга юборади. Бу кишилар хоннинг шахсий аскарлари бўлган учун “олтиғ жилов” деб аталган. Хоннинг шахсий аскарлари хонликда маълум имтиёзга эга бўлганлар. Уларнинг аълодлари ҳам шу ном билан “олтиғ жилов”- ларлар деб юритилганлар. (Қаранг: МИТТ, II, с. 126–127; Дўсимов З. Хоразм топонимлари, 93–бет.) Бу кишиларини кейинги даврда маҳаллий аҳоли этник бирлик сифатида қабул қилганлар ва уларнинг номлангани ҳақида ҳар хил ривоятлар ва афсоналар яратилган. Лекин улар ҳозирги кунда ўзларининг этнонимик хусусиятларини йўқоти бorgan бўлса–да, айрим жойларда баъзи кишилар лақаби ёки қичоққ номли сифатида тилга олинади.

Айрим топонимик ривоятлар ва афсоналар эса қонқарет қибилли на уруғлар тарихи, фаолияти билан боғлиқ ҳолда пайдолиган. Масалан, УАҲФА А.Навоний номли тил ва адабиёт институти фольклор архивининг инвентар №1723 сонли банкасида сақланаётган қўлидаги ривоятда Самарқанд вилоятидаги Ғуҷумсарой деган манхур жойининг юқорисиди жойланган “Қувнама” қишлоғининг атамаси шундай пайдолиган: Бурунги замонда митанлар билан туркманлар бир–бирларига ён жаналар. Туркманлардан бир ботир чиқиб, бир кун митанларини талани учун борибди. Аммо митанлар қўиланиб ботирини қувишибди. Тўсани ариғидан ўтганда митанлар етиб олиб ботирининг бошини кесиб ташлашибди. Шундан кейин кесилган бош думалаб қоча бошлабди. Митанлар эса “Қув каллани” деб кува беришабди. Ботирнинг калласи туркманлар чегарасидан оинганда бир

тўда туркман митавларини қувиб юборибди. Аммо ботирининг калласи бир сойиқининг ичига тушиб тўхтабди. Каллани шу ерга дафн қилибдилар. Кейин—кейин шу қабр атрофига қўчиб келиб, муқим жойлашиб қолибди на бу қишлоқ “Қувкалла” номи билан юритилиш бошлабди...

Қишлоқ номининг кесилган каллани қувлани билан боғлиқлиги халқ этимологиясининг намунаси бўлиб, бу нарсанинг ҳақиқатдан тарихий ҳақиқатлигини исботловчи бирор—бир далил йўқ. Бироқ атаманинг ҳозир сақланиб қолган шаклига мос келувчи изоҳ эса халқ этимологиясига ясоқ қилиб олинган. Шунга қарамай, ушбу топоним ҳақидаги изоҳнинг топонимик ривоятга мансублиги тарихан конкрет жойнинг Қувкалла атамаси билан юритилиши ҳисобланади, ҳолос.

Маълумки, ўзбекларнинг энг қадимги ва катта нуфузли уруғларидан бири найман саналади. Шунинг учун бу уруғдаги халқ вакиллари мустақил давлатимизнинг барча ҳудудларидагина эмас, балки, қўшни Туркменистон ва Қирғизистон давлатларида, шунингдек Қорақўлпоғистон автоном республикасининг ўзбеклар яшаётган туманларида ҳам истиқомат қиладилар. Ҳатто шу уруғ номи билан боғлиқ айрим қишлоқлар ҳам учрайдики, улар ҳақида маҳаллий халқ орасида турли вариантлардаги этнотопонимик ривоятлар ва афсоналар яратилган. Нукус давлат университети-нинг доценти Й. Иброҳимовнинг гувоҳлик беришича ва бизга ҳади этган фактик маълумотлари орасида Хўжайли ва Қўнғирот туманларидаги найман қишлоғининг номланishiни изоҳловчи ривоят намунаси юқоридаги фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Унда айтилишича, қадимги даврларда Амударё ҳозирги Туркменистон давлатининг Топовуз вилояти территорияси бўлиб “Бўтан тоғ” этигидан оққан. Хоразмни Амударёдан чиқарилган “Қирқ эшак мироб ариғи” деб номланган катта ариқ сув билан таъмин қилиб турган. Қирқ эшакли мироб ариғини ҳар йили Хива хони маҳаллий меҳнаткашларга мажбуран қаздириб турган. Хон томонидан иш боши қилиб қўйилган мироблар қазувчиларни оч, ялонғочликка маҳкум этар ва қийнар, зулминин ҳалдидан оқингардилар. Ариқ қазини ишида мажбуран ишлаётган бир йилгит ўзининг ақли ва зийрак маҳбубаси билан зулмга қарши исён тайёрлайдилар. Барча ариқ қазувчилар ўзаро келинган ҳолда иш боши ва миробларни ўлдирдилар. Буидан хабар тоingan хон қазув тегасига келиб, исён қўтарнига эжабчи бўлганларни аниқлаб, жазоламоқчи бўлади. “Айбдорлар”ни канчалик тергаб—суринтирмасин, лекин ўзининг барча ҳаракатлари бефойда бўлади, берган саволлари жавобсиз қолади. Шунда айбдорларни тона олмаган хон поиложлик билан уларни “Нонмон” сизлар дейди. Шундан буён ўша ариқ қазувида қатнашган қишлоқлар ва азалдан истиқомат қилиб келаётган қишлоқни “Нонмон”—“Найман” деб атаб бошлабди...

Академик В.В.Бартольднинг кўрсатишича, найманлар Ўрта Осиё территориясига мўғул истилоси даврида келиб қолган. "Найман" сўзи мўғул тилига оид бўлиб, саккиз деган маънони англатади. Найман уруғининг номи ва унинг келиб чиқишининг изохловчи қўлга киритилган айрим ривоятлар ва афсоналар сюжетида ана шу саккизликлар ҳақида, бошқаларида эса у ёки бу географик макон (қинлоқ ёки маҳалла, гузар) билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Демак, аجدодларимиз уруғ ва қабилага, унинг номи билан боғлиқ географик ўринларга қандай ном берад эканлар, бу номлар мазкур уруғ ёки қабила тарихи билан боғлиқ бирон тарихий воқеаликка асосланган бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

Лекин шунинг ҳам қайд этини зарурки, айрим ҳолларда этнотопоним ривоятлар орқали сюжети диний либосга ўралган ҳолда ҳам талқин этилади. Уларди у ёки бу халқ, уруғ, жамоа, қабила каби этник қатламларнинг келиб чиқишин, номларининг тарихи ва натиқомат қилиётган маконни оқлоқ таоло ёки парвардигор томонидан берилганлиги қизиқарли тарзда ҳикоя қилинади. Бундай ривоятларга қорақалноқ этноними билан боғлиқ қўйидаги ривоят намунасини киритиш мумкинки, унинг тўлиқ матни "Гулистон" журнаlining 1987 йил №5—сонда июл мартга эълон қилинганди. Унда ҳикоя қилинишича, дастлаб ер юзиди одамлар кўнайишиб, ҳар хил қабила ва уруғларга бўлиниб, маълум бир географик маконларда яшай бошлаганларида оқло таоло уларни бир-биридан фарклан ва ажратиш идора этини учун бир қатор номларининг рўйхатининг тузиб чиқибди ва сўнгра йўлга равона бўлибди. Қайси қабила—уруғга дуч келса, ўзининг рўйхатига бир қараб кўярсанда, уларга ном қўйиб кетавераркан. Ўзи ҳам берилган номларни рўйхатдан белгиллаб бораркан. Номини оқло таолонинг ўз оғзидан эшитганларининг севинчи ўз ичига сиғмай, чуғурчиқдай чуғурланиб, ўзлари яшаётган маконда ўйнаб—кулиб қолавераркан.

Оқло таоло рўйхатидаги ҳамма номларни тарқатиб қайтаётганиди Аму деган дарёнинг денизга қўйилаверинидаги икки соҳилида яшаётган бир гуруҳ одамларга дуч келибди ва улардан:

—Кимларсан, — деб сўрабди.

—Сени бизга ном қўйинига келади, деб кутиб ўтирган бандаларинимиз, — дебди ҳазини одамлар.

—Рўйхатдаги бор номларни тарқатиб бўлган эдим, балки каттароқ уруғ—аймоққа ёки қабилага кўйилиб, уларнинг номи билан яшаганларининг маъқулароқдир?,—деб жавоб берибди парвардигор.

—Худо бўлсанг, ҳаммани баб—баравар кўриб, ўзимизга алоҳида ном қўйиб бер! — деб талаб қилинибди, овул одамлари бир овоздан.

Парвардигор ўйланиб қолибди:

— Оз бўлсаларнинг ҳам ўта кетган ўзар кўрinar экансанлар. Бон бонимларингга қараб айтсам, ҳозирча қорақалноқ бўлиб туринлар, — дебди.

— Нима десанг биз розимиз, ишқилиб бизнинг номимизни ҳам бонқалардек уч марта баланд қичкириб айтсанг бас, номимизни бонқа одамлар ҳам ўз қулоқлари билан эшитсенлар!, — деб яна талаб қилинибди овулдаги одамлар.

Шунда парвардигор:

— Аввал рўйхатга номларингни ёзмай туриб, жар солиб бўлмайдн, — дебди.

— Қачон ёзасан? — деб сўрашибди ҳалиги одамлар.

— Балки сенга ўхшаб унутилганлар ҳам яна бордир, шунинг учун фаршталаримни қайта йиғиб, қўшимча номларинг рўйхатини тузиб чиқай, кейин сенларнинг маконингга яна қайтиб келаман, — дебди худо. Шунда онул аҳдн барабарига: “Ундай бўлса биз розимиз”, — деб чуғурланибди.

Худо шу кетгангча қайтиб келмабди. Овулдаги одамлар интизорлик билан жуда кўн кутишибди. Охири, олмо таолмо бизнинг олдимизга келинга эриниб, балки номимизни қайсидир бонқа маконда янаётган одамлар рўйхатига қўшиб юборгандир, деган илмижда ўз номларини қидириб ол кезибдилар, элардан—элларга ўтибдилар. Сўнгра Европа халқлари рўйхатида “Печенеглар”, “Чёрные клобуки” деган бўш номларни учратиб: “Эҳ—ҳа, бизнинг “қорақалноқ” деганимизни унутиб, шундай номларни берган экан—да!” дея ўйлабдилар. Сўнгра, ким “Печенеглар” деб чақирса ҳам, “Чёрные клобуки” деб чақирса ҳам улар “лаббай!” дея жавоб бериб юраверибдилар. Лекин худо жар солиб ном қўйган халқлардек ўзларини одамга таинга олмабдилар.

Сўнгра улар Осиё халқлари рўйхатида бўш қолган “Қулоҳи сиёҳ”, “Қалноқ”, “Қора бўрқинлар” деган номларинг борлигини эшитиб, яна орқага қайтибдилар ва кимда ким шу номларинг қайси бирини айтиб чақирса “Лаббай!”, “Мен!” дея жавоб бериб келинаверибди. Бироқ, бу нондан ҳам ҳеч бир натижа чиқмабди. Охир—оқибатда улар, гарчи жўнгина, таҳқиромуз бўлса—да, ҳар қалай яратганинг ўз оғзидан “Қорақалноқ” деган номни эшитган қадимий маконларига қайтиб келибдилар. Ана шу маконда яна катта илмиж билан худонинг қайтиб келишидан умидвор бўлиб, энди ўзларига маъқул маконларини Ҳасартирмасаника аҳд килиб янайверибдилар. Ўшандан бери худонинг овозини эшитамиз деб ҳаминча қулоғини осмонга тутавергани сабабли бонқа одамларга инсбатан қулоқлари каттароқ бўлиб қолинибди. Шу маконда униб ўсган одамлар, уларнинг кейинги авлодлари нони, ўзлари таплаган макон нони билан “қорақалноқ” дея атала бонлабди...

Юқорида келтирилган ва шунга ўхшаш қўлда киритилган жуда кўпгина фактик материалларнинг гувоҳлик беришича, у ёки бу халқ, уруғ, қавм, аймоқ, жамоа, қабила каби этник катламлар номидаги топонимлар ҳақида жуда кўпгина ривоятлар ижодкор эл оғзида албатта учрайди. Бундай асарлар ўз савияси қандай қоявий йўналишга эга бўлишидан қатъий назар, ҳозирги кунда ҳам кекса отахон — онахон хотираларида, ер ва суғорини шиноатлари ҳамда турар-жой номларида сақланиб қолган. Уларни кеч бўлса—да, тезроқ ёзиб олиш, тўплаш, напир қилиш ва қиёсий—типологик йўсида ўрганиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

ОЙКОНИМИК РИВОЯТЛАР

Маълум бир географик маконда жойлашган шаҳар, қишлоқ, посёнок, овул, маҳалла, гузар номларининг келиб чиқини, тарихи ва этимологиясини изохловчи кичик насерий асарлар ойконимик (грекча—ойкос—уй, турар жой) ривоятлар деб номланади. Бундай гуруҳдаги ривоятлар деярли ҳар бир территорияда жуда кўплаб учраса—да, улар ҳаёузгача тугал тўпланиб алоҳида напир қилинмаган. Бинобарин, айрим тарихий манбаларда берилган маълумотларни ҳисобга олмасак, юқорида таъкидлаганимиздек, жуда кўплаб ойконимлар билан боғлиқ ривоятлар ҳозирги кунда жой номларининг ўзгартирилиши натижасида аста—секин унутилиб боришмоқда. Бу исбот талаб қилмайдиган оддий қиёсалар ҳаётини далилдир.

Топонимик ривоятлар, айниқса, ойконимик ривоятлар муайян жой атамасининг қўйилиш тарихини изохлашга хизмат қилар экан, уларда ҳақиқатдан ҳам ўша атама мазмунига хос ҳолда кичик—кичик сюжетлар яратилган. Бунинг ажойиб намунаси “Шергирон” номи ривоят мисолида ҳам кўрини мумкин.

Маълумки, қадимдан Бухора қалъасининг ғарб томонидаги дарвозаларидан бири Шергирон, қалъада ярим чақирим наридаги қишлоқни ҳам Шергирон деб юритишди. Ана шу ойконим билан боғлиқ ривоятда айтилишича, қишлоқ билан қалъа орасидаги йўлнинг икки томонида косибларнинг дўконлари бўлган экан. Кунларнинг бирида амирнинг шери темир қафасини синдириб чиқиб, кўп одамларни ўлдирди. Ҳеч ким унга яқин кела олмайди. Шу пайтда бир косиб ўл дўконидан ҳаммадан яшириб май ичиб ўтирган экан. Одамларнинг дод—фарёдини, шернинг ёвузларча ўқирганини эшитиб, косиб югуриб кўчага чиқади.

Мана шу пайтда дарвазаб шер келиб қолади. Бечора косиб эди тайини ўқиди, деб турган жойида қотиб қолади. Шер келиб унинг олдига тўхтайдиган эркаланиб, уни ҳидлаб сурқалайверади. Косиб ўзига келиб бир

сакраб шерин миниб олади ва унинг бонини олдидан тайёрлаб қўйилган янги қафасга буради. Шернинг бўйинларини силаб, эркалаб қафасдан чиқади ва темир эшакни ёниб олади. Бу хабар амирга етиб боради ва у косибни ўз хузурига чақиртириб, катта инъомлар беради. Мана шундан бўли Бухоранинг ана шу дарвозаси ҳамда косиб янайдиған қишлоқ “Шергирон” деб юритилади.

Аслида Бухоронинг ғарбидаги қалъада—қишлоқда шер овчилари янаган ва қалъага ўз овларини шу дарвоза орқали олиб киринган. Мана шунинг учун ҳам қишлоқ ва дарвоза “Шергирон” яъни шер овловчилар деб юритила боплаган.

Фольклоршунос С.Умаров ўзининг 1988 йида “Фан” натижатида чоп этилган “Ривоят ва ижтимоий ҳаёт” номли рисоласида мазкур ривоятларни ўзгача талқин этади. У асосий урғун май ичинининг зарари билан боғлиқ ҳолда изохланига ҳаракат қилади. Бизнингча, топонимик ривоятлар, айниқса у ёки бу жой ҳамда бинонинг муқим тарзда бирор атама билан юритилишини С.Умаров кўрсатганидек, сабаблар билан изохланмайди. Агар ривоят асосида ҳақиқатдан ҳам С.Умаров кўрсатган гоё ётган бўлса, у ҳолда нега амирнинг фармониға хилоф иш тутган косибға ҳеч қандай чора кўрилмайди. Нега у ҳолда Бухоро Қалъасининг дарвоза билан бирга унинг яқинидаги қишлоқ ҳам “Шергирон” деб юритилади? Маълум бўладики, Шергирон топоними анча қадимий бўлиб, у ерда яшовчи аҳоли ўтмишида шер овлаш билан машхур бўлган. Бироқ, қишлоқ ва қалъа дарвозасининг Шергирон атамаси билан юритилишини ва унинг пайдо бўлишини маст косибнинг ҳатти—ҳаракати билан боғлиқ ҳолда изохлаш анча кейинги талқиндан иборат бўлиши керак.

Ўзи ноёб ва жилавагар тарихий—меъморий ёдгорликлари билан дунё халқларини лол қолдирган шаҳарлардан бири Бухоро шаҳри саналади. Мазкур шаҳар пайдо бўлиши ва номлангани тарихи, этимологияси ҳақида тарих саҳифаларида қизиқарли ва эътиборға молик маълумотлар, шунингдек, халқ ижодида бизгача етиб келган ҳар хил вариантлардаги афсона ва ривоятлар мавжуд.

Бухоро шаҳрининг пайдо бўлиши тарихи ҳақида ёзма манбаларда, хусусан, X асрнинг тарихчиси Наринахийининг “Бухоро тарихи” асаридаги қуйидаги маълумотлар диққатға молик: “Ҳозирда Бухоро ўриланган бу мавзе, илгари ботқоқлик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дарахтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган, айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирон ҳайвон ҳам оёқ қўйишға жой топа олмаган. Бунинг сабаби шунки, Самарқанд томонидаги вилоятлардаги тоғларда кор эриб, суви оқиб келиб ўша жойға йиғилиб ётар эди”.

Самарқанд томонида бир катта дарё борли, уни “Рудн Мосаф”—“Мосаф дарёси” (Зарафшон дарёси) деб айтадилар. Бу дарёға кўн суви

йиғилган, у бир талай ерларни юзиб—ўшириб, кўн лойқазарни сўриб келган ва натижада бу ботқоқликлар тўзиб қолган. Сув кўн оқиб кела берди, лойқазарни то Ўзгич ва Фаробгача сўриб келтира берди. Сўнг сув тошиб келишни тўхтади. Бухоро ўрнаниган жой аста—секин тўлиб, текис ерга айланди ва шундай қилиб, у катта дарё сўғд ва лойқазар билан тўлган манзе Бухоро бўлиб қолди; ҳар томондан одамлар йиғилиб, у жойи обод бўлди. Одамлар Туркистон томонидан келар эдилар. Бу вилоятда сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўн бўлгандан кишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерга жойлашдилар. Аввал улар чодир ва ўтовларда турар эдилар, сўнг вақт ўтгани билан одамлар йиғилишиб иморатлар қурдилар... (Қаранг: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1967, 15—16 бетлар).

Бухоро шахри номининг келиб чиқини ҳам эътиборли тарихчилар диққатини ўзига жалб қилган. Масалан, манихур тарихчи Малики Йувайний ўзининг “Тарихи Ҳахонгушай” номли асарида Бухоро шахри номининг этимологияси ва фазилати ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: “... “Бухоро” сўзи “Бихор” сўзидан келиб чиққан бўлиб, оташпарастлар тилида “нам макони” демакдир. Бу талаффуз уйғур ва хитой будпарастларининг тилига яқиндир, чунки уларда енгинини жойлари бўлган матбарани “Бухоро” деб айтадилар. Бухоро шахрининг номи аслида “Бумишкат” бўлган, Аҳмад Ибн Наср дедикки, Бухоронинг номлари кўн, лекин Бухоро номи уларнинг барчасидан манихурроқдир ва Хуросоннинг ҳеч бир шахрига шунча кўн ном берилган эмас. Бухоронинг яна бир номи аввалдан “Фохира” бўлиб келган.

Бухоро қадимдан суви ширин, ҳавоси латиф, атрофи кенг, нозу нсъматли, поилари кўн бўлиши билан зийнатланиб, ҳозиргача ушмо тоифасининг тўлланадиган жойи, фасоҳат, балогат ва ширин сувларининг манбаи бўлиб келган. Сомон сулоласининг тарихида унинг атрофи қарийиб 252 фарсанг бўлиб, ерлари боғ, экинзор ва обод қишлоқлари бўлган. (Бу кўчирма Ҳ.Ҳасановнинг “Ўрта Осиёлик географик ва саёҳлар” (Т., 1964, 191—бет) номли китобидан олинди.)

Кўринадики, Бухоро шахрининг пайдо бўлиши тарихи ва шу номининг келиб чиқини тафсилотлари кўнгини тарихчиларнинг асарларида тафсилотасини топган. Айрим ёзма манбаларда айтолганича, бу шахар қадимдан ўз даврига қараб турли ном билан аталган. Улардан Бумишкат, Бумишкат, Мединат ус суфрия (мисе шахар), Мадинат ус тажжор (саноаткорлар шахри) каби номларни келтириши мумкин. Лекин Бухоро деган ном ҳамма номларга қараганда кўн учрайди.

В.В.Бартольд, В.Томанск ва бошқа олимлар Бухоро номи санскритча вихара “монастирь” деган сўзидан олинган, деб ҳисоблагани ва ўз фикрларини далиллаш учун Самарқанд билан Бухородаги Навбахор

дарвозалари, шунингдек, Бухоро ҳамда Балхдаги Навбаҳор ибодатхонаси номларини ҳам мисол келтиришган.

В.А.Лившиц ва бошқалар сўед хужжатларига асосланган ҳолда Бухоро шахрининг юқорида айтиб ўтилган этимологиясига шубҳаланади ва санскритча вихора сўед тилида Пухар шаклини олгани мумкин эмас, деган хулосага келадилар. (Қаранг: Вестник древней истории, 1954., №1, с.150—163.) Дарҳақиқат, Бухоро номи шеваларда Бухоро, Бухара, Буқара, Пуқара, ҳатто Пуқар шаклларида талаффуз этилади. (Қаранг: Қораев С. Топонимика—жой номлари ҳақидаги фан. Т., 1980, 22—бет.)

Бухоро сўзи аслида форсча бўлиб, унинг маъносини таҳлил қилишда халқ оёзлари ижодиди сақланиб қолган қўйидаги ривоят диққатни жалб қилади. Унда айтилишича, бир вақтлар Бухоро замини асосан ботқоқлик бўлиб, баъзи ерларидаги теналикларда ҳар қаерлардан келган аҳоли уй—жой қуриб янай бошлабди. Бу жой Бухорроҳ деб аталадиган бўлибди. Чунки аҳолидан бу ерга биринчи ким йўл топиб келган?— деб сўрашганда, улар Бухор деган киши деб жавоб беришибди. Шу—шу бу ер Бухорроҳ (яъни Бухоро йўли) деб атала бошлаган экан... (Қаранг: Алимов У, Аҳроров И. “Азим Бухоро—қадим Бухоро” // “Фан ва турмуш”, 1985, №1, 30—бет).

Дарҳақиқат, бу ривоят сюжетига оғина бўлса—да ҳақиқат замини бор. Чунки тарихий манбаларда ва айрим лугатларда Бухоро сўзи икки мустақил сўздан: “Бухор” (киши номи) ва “роҳ” (йўлининг) қўшилишидан таркиб топган. У “Бухорроҳ”→ “Бухорро”→ “Бухоро” тарзида фонетик ўзгаришларга учраб, узоқ тарихий босқичларни бошидан кечириб бизгача етиб келган бўлиши ҳам мумкин.

Қадим Бухоро шахридан олдин пайдо бўлган Нур, Хонқонруд, Вардона, Торовча, Сафна, Исвона ва шунингдек, Бухоро пайдо бўлгандан кейин унинг музофотига қўшилган Кармина, Тавонс, Искажкат, Шарғ, Зандана, Афшина, Ромтин (Ромитан), Варахша, Байканд, Фараб каби қадимий вилоят, шаҳар ва қишлоқларнинг келиб чиқиши, номларининг тарихи, табиий—географик тузиллиши, ижтимоий—сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ҳақидаги Наршахийининг “Бухоро тарихи” асарида қимматли маълумотлар берилган. Бундай тарихий—географик жойлар ҳақидаги тарихчи келтирган маълумотлар ўз характерига кўра информатив (хабар бериш) вазифасини ўтайди. Уларда эстетик функция—вазифа иккинчи ўринда туради. Лекин уларнинг биз учун энг зарур аҳамиятли томони шундаки, у ёки бу тарихий географик ўриннинг келиб чиқиши ва номларининг, этимологиясининг, ўша давр тарихий—иқтисодий ва маданий ҳаётининг, қолангера, айрим тарихий шахсларнинг фаолиятининг

ўрганганмизда энг асосий, шонли, бирдан—бир таянчи манба бўлиб хизмат қилади.

Фикримизнинг далили сифатида тарихчининг Ромитан қишлоғи ҳақидаги маълумотни кўздан кечирайлик.

Манбада ёзилишича, Ромтин (Ромитан)—бу катта куҳан деҳқонга эга ва мустақкам бир қишлоқ бўлиб, Бухородан қадимийроқдир. Баъзи китобларда бу қишлоқни Бухоро деб атаганлар. Бу қишлоқ қадим вақтларда подшоҳларнинг турар жойлари бўлган. Кейинроқ эса Бухоро шаҳри бино бўлгандан кейин подшоҳлар қиш фаслидагина бу қишлоқда турадиган бўлганлар. Бу ерлар ислом давлатига ўтганда ҳам шундай бўлиб турган. Марҳум Абу Муслим Бухорога келганда шу қишлоқда турган. Бу қишлоқни Афросиёб бино қилган. Афросиёб ҳар вақт бу вилоятга келганда шу қишлоқдан бошиқа жойда турмаган. Форсийларнинг китобларида айтилишича, Афросиёб икки минг йил яшаган. У жодугар бўлиб, Нуҳ подшоҳнинг болаларидандир. У ўзининг Сиёвуш номли куёвини ўлдирган. Сиёвушнинг Кайхусрав номли ўғли бўлиб, у отасининг қонини талаб қилиб кўп ланкар билан бу вилоятга келганда Афросиёб шу Ромитан қишлоғини ҳисор қилиб турган. Кайхусрав ўз ланкарлари билан икки йил шу ҳисор атрофини ўраб турди ва унинг рўнарасида бир қишлоқ бино қилиб, у қишлоқни Ромуш деб атади. Уни яхшилигидан Ромуш деганлар. Бу қишлоқ ҳозиргача ободондир. Кайхусрав Ромуш қишлоғида оташнарастлар ибодатхонасини қурди, оташнарастларнинг айтишларича, бу ибодатхона Бухородаги оташнарастларнинг энг қадимийсидир. Кайхусрав икки йилдан кейин Афрасиёбни тутиб ўлдирди. Афросиёбнинг гўри Бухорода Маъбад дарвозасида, раҳматли Хожа имом Абу Ҳафс Кабир тасалигига туташган катта тасалик устидадир. Бухоро аҳлиси Сиёвушнинг ўлдирилишини тўғрисида ажойиб ашулалар тўқиганлар; куйчилар бу қўшиқларини “Қиш Сиёвуш”—“Сиёвуш жанги” деб атайдилар. (Қаранг: Наршахий. Эслатилган асар, 23—24—бетлар.)

Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи”да ўрни билан айрим тарихий—географик жойларнинг номларини тарихи ва хўжалик ишларини юритиш тартиби ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтиради. Мазкур ноёб асарнинг 20—21 саҳифаларида берилган “Тавонс” вилояти ҳақидаги ҳикоят бунинг далилидир: “Бу Бухоро вилоятларидан бўлиб, асл номи Арқудир. Унда бой ва зебу зийнатли севувчи кишилар янаганлар. Зебу зийнатга берилганидан ҳар бир киши зийнат уйида битта ёки иккита товус сақлаган. Араблар бу ерга келишидан илгари товусни кўрмаган эканлар, бу ерда кўн товусларни кўриб, у қишлоқни “Зот уг—тавонс”—“Товуслар эгаси” деб атаганлар, унинг асл номи эса унутилган; ундан кейинроқ “зот” сўзини танлаб “Тавонс” деб қўя қолганлар. Унда масжиди жоме бор, у катта бир шористонга эга, қадимги вақтларда ҳар куз фаслида у жойда ўн кун бозор

бўлар эди. У бозорда шундай расм бор эдики, бонқа бозорлардан сўрилиб қолган ҳар қандай нуқсонли қўллар, чорва моллари ва бонқа айбон қўлнинг парселар бўлса ҳам ҳаммаси бу бозорда сотила берар ва уларни қайтариб беришнинг ҳеч илож — имкони бўлмас эди; на сотувчи ва на оловчиннинг ҳеч бир шарти қабул қилинмас эди. Ҳар йили ўша ўн кунда бу бозорга масалан, Фарғона, Чоҳ ва бонқа жойлардан келган савдогарлар ва турли ҳоҷатмонадлардан ўн мингдан ортиқ киши ҳозир бўлишар ва қўн манфаат топиб қайтар эдилар. Шу сабабли бу қишлоқнинг аҳолиси бой кишилар ва бойликлари дехқончилик туфайли эмас эди. Тавонс Самарқандга бориладиган катта йўл устида бўлиб, ундан Бухорогача етти фарсангдир”.

Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Самарқандир. Бу шаҳарнинг Мароканда, Самариана, Сараманко, Сакание, Сапман—ген, Самакиян, Сумрон, Шамиркеит, Самаран, Симроят, Семизкеит каби номлардаги вариантлари бор. Бу шаҳар номининг этимологияси тўғрисида илмда ҳар хил фикр баён этилган. Масалан, Шарқ муаллифлари “Самарқанд” сўзининг таркибидаги биринчи мустақил сўз — “Самар” сўзи шу шаҳарга асос солган ёки шаҳарни босиб олган кишининг исми деб ҳисоблайдилар ва шу фикрни тасдиқловчи айрим ривоятлар келтирадилар. Бироқ баъзи олимлар тарихда бундай киши бўлган эмас, ном таркибидаги иккинчи мустақил сўз — “кеит” ёки “қанд” шаҳар номи маъносини беради, деб ҳисоблайдилар. Бу сўзларнинг кант, қанд ёки кан, ган, гон каби формалари ҳам бўлиб, бу сўзлар ҳам шаҳар маъносини аниқлатади, деган фикрни билдирадилар. Яна бонқа бир олимлар ва тарихчилар асарларида Самарқанд асннда “Семизкеит” яъни семиз шаҳар, катта бой шаҳар, деган маънони аниқлашни қайд қилишди. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Бобур асарларида, шунингдек, Мирхондиннинг “Равзат—ус—сафо”сида, XV асрда Темур саройига келган испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихоннинг кундалик дафтарларидаги айрим қайдлар шулар жумласидандир.

Тарихий—географик манбалардаги подир маълумотлар ва халқ оғзаки ижодидаги қўлга киритилган айрим фактик материалларнинг гувоҳлик беришича, Самарқанд шаҳрининг пайдо бўлиши, номлалини тарихи ва этимологиясини изохловчи қўнгина ривоятлар турли даврларда ҳар хил вариантларда ижод қилинган. Уларнинг барчасини бир жойга йиғиб, сюжетини қиёсий — типологик йўсида ўрганилса, тарих саҳифалари қатларида яширинган воқеалар тафсилотлари билан танишшига муяссар бўлиш мумкин, албатта. Бундай ривоятларнинг жуда қўнчилигида Самарқандни биринчи марта қадимий Эрон Қадимийлар сўлоласидаги ҳукмдорлардан Кайковус қўрганлиги қайд қилинса, бонқа намуналарда эса иккинчи марта Искандар Зулқарнайн томонидан қўрилганлиги талқин қилинади. Учинчи гуруҳдаги ривоятларда Яман ва

Арабистон томонидан келиб Самарқандни босиб олган ҳукмдор Мазин Туббуа амирлари томонидан қурилганлиги ҳикоя қилинади. Тарихчи Хофиз Танин Бухорийнинг “Абдулланома” асарида, ҳусусан, 239–240 саҳифаларидаги ривоят ҳам учинчи гуруҳдаги ривоятларнинг мазмунини сўзма–сўз ўхшаб кетади: Мана унинг тўла намунаси:

“... У Туббуа амирларидан бири мўътабарли амир Самарнинг биноси бўлган. Кейин уни Самарқанд деб атаганлар, яъни Самар қишлоғи дейилган. Ниҳоят аста–секин арабчаланиб Самарқанд деб ўқий бошлаганлар... Абраҳа ўғли Африқиснинг ўғли Абү Қарб Самар Йрун (Баъзи манбаъларда айтилишича, у Мовароуннаҳрни босиб олган Шарк ҳукмдорларидан бири бўлган. Қаранг: Самария, Описание древностей и мусульманских святынь Самарканда Абү Таҳир Ходжаи, перев. В.А.Вяткина, СКСО (“Справочная книжка Самаркандской области”), Самарканд, 1898, с. 221 – 223) деган киши бўлган эди. У ҳам таббуалардан бўлиб, Туркистоннинг энг чекаларигача босиб олганди. Самарқандга етгач, қанча уринса ҳам уни ўзига қарата олмади. Ўша вақтда Самарқанд ҳокимининг бир қизи бўлиб, мамлакатнинг бутун ихтиёри унинг қўлида эди. Самар уни турли ваъдалар билан ялдади ва унинг олдига инъом ҳамда ҳадялар билан элчи юбориб деди: “Биз шунча манаққатларни ўзимиз кўриб, бу мамлакатга сени учратини мақсадида келдик, вилоятни босиб олгани эса осимизга ҳам келгани йўқ. Декки сенга мана бу арзимиз бор: юк ва оғир параселаримизни шу мамлакатда қолдириб, Чинга борамиз. Ўша мамлакатни босиб олгани учун кетаямиз. Агар рухсат берсанг, ўз асбобларимизни шаҳрингда қолдириб ўтамиз”. Қиз унинг тadbиркорлигидан ғафлатда қолди. Улар юк ва асбобларни шаҳарга киргиздилар. Самар 4 минг сандиқ тайёрлаб, довиорак ва наҳловон йиғитлардан, жанг ва уруш сафарларини мукаммал тузган ҳолда, сандиқ ичига жойлади. Сандиқларни шаҳар ичига олиб кирди. У синоҳига тайинладикки, “ярим кечада қўнғироқ овозини эшитганининг билан, тизларин ялонғочлаб сандиқдан чиқасизлар ва шаҳарни босиб оласизлар”. Ҳудди ваъдаланган вақтда Самарнинг лашкари шаҳарининг таниқарисидан ҳужум бошладилар ва дарвозаларга етгач овозларини биланд кўтардилар. Жангчилар сандиқлардан чиқиб қиличларин суғурган ҳолда таниқари ва ичкаридан шаҳарни ўзларига қарата бошладилар ва наҳлавонлик овозини осмонга етказа бошладилар. Самар шаҳар атрофидаги девор ва буржларни вайрон қилиб қавлади. Шунинг учун унинг номига “Самарқанд” деб қўшилди. Шундан кейин, Самар Чин томонга юзданди. Йўлда ўзи ва лашкари ташналикдан ҳалок бўлдилар... Шундан кейин Таббуа ўз–ўзига келиб, Самарқанд шаҳрини қурди ва Чинга борди. Чиндан қайтми вақтида ўзи учун олган асирларни Самарқандда қолдирди”.

Самарқанд шаҳрининг пайдо бўлиши ва номланиши тарихи ҳақида Хофиз Танин Бухорийнинг маъмур матбуотларида кўриш мумкин. Самарқанд дастлаб қалъа шаклида Самар деган амрининг (ҳукмдорининг—М.Д.) биносин бўлган. Уни ўша пайтда Самар биносин, Самар қивилоғи ва кейинги пайтда арабчалаштириб Самарқанд деб атаганлар. Антик тарихчиларнинг асарларида шаҳар “Мороканд” деб номланган. Бу ҳақиқатга анча яқин бўлиб, “Мороканд” Самарқанд сўзининг юнонча номланишидир. Туркийча эса Семизкеитг демакдир. XI асрнинг энциклопедист олимларидан Абу Райхон Беруний ва Махмуд Қошғирийлар шаҳар номининг келиб чиқишини “Семизкеитг”, яъни семиз шаҳар, катта бой шаҳар деган маънони билдиради, деталарида тамомисла ҳақ эдилар. Уларнинг бу фикрларини эътиборли тарихчиларнинг асарларида берилган маълумотлар ва айрим қайдлар ҳам тўла қўллаб қувватлайди.

Андижон—Фарғона vodiysinining кўҳна ва айни пайтда энг чиройли ва меҳмондўз шаҳарларидан бири. Илмда бу шаҳарнинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Лекин шаҳар номининг келиб чиқиши ва номланиши тарихи ҳақида бир қанча фикрлар, турли хил вариантлардаги ривоятлар мавжуд. Аввало мана шу ривоятлар сюжети ҳақида неки оғиз сўз.

Бир туркум ривоятларда шаҳарнинг дастлабки номи Афросиёб хонининг қизи “Андижон” номидан келиб чиққанлиги, бу қиз касалманд бўлиб, шу маскандан шифо тонганлиги ва шунинг учун ҳам бу макон унинг номига қўйилганлиги ҳикоя қилинади. Иккинчи туркумга мансуб ривоятларда оғир жангу—жадаллардан қайтиб келаётган бир подшоҳнинг чўл ва сахродан ўтиб жуда ҳориб бу маконга келганлиги, бўлоқлардан мўздек сув ичиб, ўз қанизигидан ҳол—аҳвол сўраганлиги, қанизак “андак жоним қолди” деб жавоб берганлиги ва шу асосда Андижон номи келиб чиққанлиги айтилади. Учинчи туркумдаги ривоятларда эса шаҳар навқарларидан бири оғир жангларда душманга асир тушганлиги, у бошиқа ўлкага олиб кетилганлиги, асир йиғитининг шаҳарда маҳбубасин қолганлиги, шунда унинг “анда—жоним” қолди,—деб фарёд чекканлиги ва бу нарсга кейинчалик халқ орасига тарқалиб, “Анда жон қолди” сўзи ўрнига Андижон номи келиб чиққанлиги талқин қилинади. Яна бошиқа туркумдаги ривоятларда қашқарлик Қорабуғроҳон шикор баҳонаси билан узоқ ўлкаларга саҳҳат қилганлиги, юганни юртда бир гўзал қизни севиб қолганлиги ва унга уйланганлиги, бироқ ўз севишувининг ўлкасига ҳужум қилган душман билан бўлган жангда оғир яраланганлиги, охир оқибатда ўзини олдириб энг яқин кишинининг дийдорини кўрсатиб, “Анда қолди жон”, —деб вафот этгани билан боғлиқ эпизодлар келтирилади. Бундан ташқари, шаҳарга дастлаб Одинажон немли малика асос солганлиги, унинг номи билан аталиб келинган шаҳарнинг номи сўнгра Ондижон—Андижон

бўлиб ўзгарганининг хикоя қилувчи ривоятлар ҳам халқ оғзида кўп учрайди. Бундай ривоятларнинг айримлари фольклоршунослардан Х.Раazzoков, К.Имомов ва бошқалар томонидан ёзиб олинган, айримлари вақтани матбуотларда эълон этилиб, тадқиқ қилинган ҳам.

Шарқ мамлакатлари билан Осиё ва Олдосиёни бир—бири билан боғловчи “Буюк шак йўли”да жойлашган Андижон шаҳрининг пайдо бўлиши ва номи ҳақида олимларимизнинг фикрлари ҳам турли хил. XIX асрнинг охириларида тарихчи ва шарқшунос В.П.Назиевни Фарғона водийси тарихи ва урф — одатлари ҳақида ўзи тўнлагап маълумотларга асосланиб ёзган “Қўқон хонлигининг қисқача очерки” (1886) номли китобида Андижон топоними ўзбекларнинг анди номли қабиласи билан боғлиқ, яъни анди—гон, “Андишар”, кейин Андижон бўлган, деган фикрни дадил туриб айтади. Профессорлардан З.Дўсенов ва Х.Эгамовлар ҳам олимнинг фикрига тўла қўшилишлар. Номнинг иккинчи қисми Гон эмас, кан ёки кант бўлиши ҳам мумкин, чунки к товуши интервокал ҳолатда (икки унли орасида) г товушига айланиши учрайди. Шундай экан, Андижон анди — қабилла ному ва кан “қинилоқ” ва “андилар қинилоғи” деб ҳисоблани мумкин, деб айтадилар. (Қаранг: Дўсенов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати: Т.1977, 15 бет). Тарихчи олим С.Жалиловнинг ахборот беришича, Андижон номи аслида Андигон (адоқ, азoқ) деб аталган қадимги ўзбек уруғи номидан олинган бўлиб, даврлар ўтиши билан талаффузда фонетик ўзгаришларга учраган ва Андгон, Андигон, Андугон, сўнгра, XV асрдан бошлаб Андижон шаклида қўллана бошлаган. Андижоннинг ҳозирги номи аслида андигон бўлиб, ад ўзағига кейинчалик талаффузда и ва ш ҳарфи қўшилган. Сўнгра А (и) дгон ёки А (и) дигон шаклида келиб қолган. (Қаранг: “Фон ва турмуш” 1985, №10, 16—17 бетлар). Қўраминики, Андижон шаҳрининг пайдо бўлиши ва номланиши тарихи ҳақида айтилган олимларимиз фикрлари деярли бир хил ва улар ҳақиқатга ҳам анча яқин. Чунки, Анди — қабилла ному, гон фореча жами, бирга, йиғилишлик деган маъноларни англатади. Демак, Андигон қабилланинг (Ўзбекларнинг) йиғилиши, жами демакдир (яна қаранг: Жўвонмардиев А. Шаҳарларнинг номларидан баҳс. “Ер ва эр” 1962 йил, №4, 29—бет). Олимларимизнинг “Вақтлар ўтиши билан Андигон, Андугон, талаффузда Андижон шаклида бўлиб келган”, деган фикрларига биз ҳам тўла қўшилишимиз. Билсакки, XV асрдан бошлаб ёзма манбаларда шаҳарнинг номи А (и) дигон, Андигон шаклидан аста—секин Андижон кўринишида ёзила бошлаганини ялғиз жамоатчиликка маълум. Масалан, С.Жалиловнинг тўвоҳлик беришича, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ уз — саъдийи” ва “мажмуъат ул — баҳрав” асарида шаҳар номини даставвал Андугон деб ёзган бўлса, кейинги саҳифаларда (Умаршайх Мирзо ҳақидаги) Андижон шаклида ёзади. XVII асрда яратилган “Тарихи

Қошғар” номли қўлёзма асарда XVI аср воқеалари баёнида шаҳар номи худди шу тарзда ёзилади, “Бобуринома”да ҳам Андижон деб келтирилган. Бундай мисолларни янада давом эттириши мумкин, албатта.

Қадимдан Хоразмда Гурлан деган қишлоқ бўлган. Кейинги пайтда у кенгайиб ва ободонлашиб шаҳар номига ва ҳозирги Гурлан тумани марказига айланган. Мазкур топонимнинг келиб чиқиши ва номланиши тарихини изохловчи ривоятлар ҳам жуда кўп. Уларнинг бирида айтилишинча, бир вақтлар бу маконга дастлаб битта кўр чол ва ланг (қўлоқ) каминир кўчиб келибди. Аста—секин улар дарахт ўтказиб, экин экиб, ўзлари танилаган маконнинг атрофини обод қила бошлабди. Эр — хотинлар зўр хунарманд бўлгани учун ўзлари ясаган нарсалар ва буюмларни тирикчилик ўтказиши учун бозорга олиб чиқиб сотар эканлар. Бозорда ҳеч кимнинг нарсаси ўтмаси ҳам уларнинг нарсалари қўлма— қўл сотилавераркан. Шунда одамлар улардан бунинг сирини нимада эканлигини сўрабди. Эр—хотин уларга: “Бизнинг ясаган нарсалар ва буюмларнинг бозорда чаққонлигига сабаб, —нонпимаслик, касбга инқибозлик ва тунроқдан”, — деб жавоб килибди. Одамлар чолу каминирнинг танига нонпимабди. Буларда бир сир бор, —деб улар яшаётган маконнинг атрофига кўчиб кела бошлабдилар ва бу маконни кўр ва ланг”, “кўрланг” деб номлабди... Вақтлар ўтгани билан бу сўз таркибидаги икки мустақил сўз фонетик талаффузда ўзгаришга учраб “Кўрланг”—Гурланг—Гурлан шаклида бизгача етиб келган дейиши мумкин. Чунки, Ўзбек адабий тилининг ўғуз лаҳжасида, хусусан, Хоразм диалектик шеvasида қадимдан “К” товуни кўпинча “Г” шаклида ишлаб келинганлиги илмий жамоатчиликка маълум.

Тошкент вилоятининг “Ғалаба” туманида “Гул” деб номланган манхур ва гўзал ҳунаво қишлоқ бор. Бу қишлоқнинг пайдо бўлиши, тарихи ва номланиши ҳақида маҳаллий аҳоли орасида ҳар хил вариантлардаги ривоятлар яратилган. Уларнинг бирида вақт келишининча, дастлаб бу қишлоқ ўрнида катта тўқайзор ва қаминзор бўлган экан. Маконга атрофдаги кинилар фақат ов қилиш учун тез — тез келишаркан. Кейинчалик бу ерлар дарёга яқин бўлгани учун чайла ва кана, кичик—кичик вақтин макон қурибди. Қуруқ ерларни ўзлаштириб деҳқончилик қилибди. Кейин эса бу маконга қўшин Чиноз, Янгийўл, Сирдарё, Ўқизмах ерларидан одамлар аста — секин кўчиб кела бошлабди. Улар яна тўқай ва қаминзорларни тоза қишлоқ территориясини кенгайтириб ўзларга мустаҳкам турар — жой қуриб олибдилар. Чирчиқ дарёси бўйига келиб қишлоқни иккига ажратиб турадиган ва ҳар икки томонга фойдаланиши учун қувай бўлган канал казиб, сув келтирибдилар. Сув келган бу макон янада ободонлашибди, қишлоқнинг ичида, асосан, олд томонида катта масжидлар қурибди. Атрофига гуллар экиб, ариқлар очибди. Бу маконда яшаётган, турли жойлардан келган киниларнинг ўзаро аҳиллигига атроф

қишлоқлардаги кишиларнинг ҳаваси келиб, бу макон илгари тўқай ва қаминзор эди, энди обод бўлди, одамлар келиб ҳамма ёқни гулистон қилди. — деб таърифи берилади. Улар тилида бу қишлоқ Гўл қишлоқ деб номланибди. Шундан буён бу маконнинг шўҳрати бошиқа элларга кели ёйилибди, шу Гўл номи билан аталибди...

Бошиқа вариантдаги ривоятда айтилишича, ҳозирги қишлоқнинг марказий кўчаларидан бири бўлган Ҳамза кўчаси ва шу атрофдаги уйларнинг ўрни Ойконинг ерлари экан. Унинг дунёда энг яхши кўрган нарсаси гўл экан. Унинг хизматқорлари ва чўриларининг кундалик асосий нини ҳам гўлга қараш экан. Унинг яқка-ю ёлғиз қизи бўлиб, у ҳам айниқса қизил атиргулни яхши кўрар экан. Бу маконга келган кишиларнинг кўзи дарҳол шу гўлларга тушиб, бу гўлларининг макони — Гўл қишлоқ деб аташар экан ... Шу қишлоқнинг номи билан боғлиқ яна бир гуруҳ вариантдаги ривоятларда айтилишича, қадим замонларда бир тўн камбағал кишилар ўзларининг хўжайинлари жабр-зўлимдан батамом қутилиш учун хизмат қилаётган маконларидан қочиб бу маконга келибди. Уларнинг барчаси бу макон тўқайзор ва қаминзор экан, унга ҳеч ким кела олмайдди, лекин суви кўп экан, экин экиб, деҳқончилик қилиб тўқ яшаймиз, деб шу ерга қочиб келган экан. Сўнгра уларнинг ҳаммаси бу маконни ўзлаштириб, экин экиб, боғ — роғлар қилиб олинибди, қишлоқни гўлга айлантирибди. Шу ерда азалий қилиб яшавига аҳду-найман қилинибди. Шундан буён бу қишлоқ номи ҳам Гўл бўлиб қолди. (Ҳар иккала ривоят мазмунини 1981 йида шу қишлоқлик 82 ёшли Қодир бобо Расуловдан ёзиб олган эдик. — У.Ж.)

Ойконимик ривоятлар асосан у ёки бу географик маконнинг пайдо бўлиши, этимологияси ва тарихи ёки аксинча бузилиш сабабларини изоҳлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бундай тиндаги ривоятлар сюжетида хабар ёки маълумот бериш функцияси етакчилик қилади. “Илон бузган”, “Ушоқ тена”, “Қал тена”, “Аламзи”, “Гўлбўлоқ”, “Қоравул тена” деб номланган ойконимик ривоятлар шулар жумласидан.

Қаниқадарё воҳасига қарашли Косон туманида Гувалак, Ушоқтена номли қадимий аҳоли маконлари — қишлоқлари бор. Ушоқтена қишлоғи ёнгинасида шу номдаги кичик теналик ҳам мавжуд. Топонимшунос олим Т.Нафасовнинг гувоҳлик беришича, Ушоқтена сўзи дастлаб тена номи сифатида юзага келган, сўнгра шу теналик ёнида бўлиб келган аҳоли макони — қишлоқ номига айланган. Бу қишлоқнинг пайдо бўлиш тарихи ва этимологиясини изоҳловчи ривоятлар маҳаллий аҳоли оғзида жуда кўплаб вариантларда учрайди. Т.Нафасов ёзиб олган ва эълон қилган ривоятда катта тарбиявий аҳамиятга молик бўлган эпизодлар тўла сақланиб қолган. (Қаранг, Нафасов Т. Қишлоқнингиз нега шундай аталган? Тошкент 1989, 87–88–бетлар).

Ушбу ривоятда айтилишича, Навбахор кунларининг бошида элда катта сайл кун бошланибди. Унга ёшу—қари, катта—ю кичик ҳамма йиғилибди. Айримлари кураш тушини, тош кўтарини тош претини, камону чиллак отини билан овора бўлибди. Бошиқалар эса улоқ чошини, кимўзарга нойга қилини, ариқ қазиб сун йўлини очини, чуқурча қазиб ниҳоллар ўтқазини ишлари билан шуғулланибдилар. Яна бошиқа турух кишилар қўшини айтиб маромини авжига чиқарини, ноз—наъматлар ишириб эл кўнглини овлади билан машғул бўлибди. Ҳамма—ҳамма шод, хурсанд бўлиб наврўзи оламни кутиб олибди. Бундай шодиёна кечгача давом этибди. Сайл охирида эл оқсоқоли тик туриб фотиҳага қўл очибди. Ошиққанидан қўлида кичиккина бир бурда нонини бармоқлари орасига қистириб, фотиҳа қилибди.

Фотиҳада оқсоқол меҳнат қилган ёшлар, меҳрибон ота—оналар, қинлоқ заҳматлари шаънига янги сўзлар, панду—насихатлар айтибди. Навбахор кунларининг бошланганидаги хурсандчилик, тўқин дастурхон йил бўйи давом этишига хайрли тилаклар билдирибди. Аммо сўзини тугата олмабди—юзи қамғин, охирги сўзлари узук—юлук бўлибди. Эл катталари дарҳол оқсоқолдан бунинг сирини сўрашибди. Маълум бўлишича, фотиҳа давомида бармоқлари орасида ҳали еб улгурмаган нонини бир чимдим ушоғи ерга тушиб кетганини айтибди. Оқсоқол ва унинг ёнидаги эл катталари у ён—бу ёнга қараб ҳалиги ушоқни тополмабди. Сўнгра ҳамма ер титқилаб ушоқни қидирибди. Бахтга қарин кеч кириб қолган экан, қоронғилик ҳалақит қилибди. Оқсоқол буюрибди, эл катталари аҳдлашибди: эртасига ҳамма белкуррак, кетмон, элак, қалвир олиб чиқибди. Ҳамма нон ушоғини қидирибди, лекин тополмабди. Кеч кирса ҳам оқсоқол уйига бормай, шу ерда тунабди. Иккинчи кунда ҳам оқсоқол турган жойини ва унинг атрофини эринмай элаб чиқибди. Эланган тунроқ эса бир жойга уюлибди ва алоҳида теналик ҳосил бўлибди. Лекин йўқотилган ушоқ ҳамон топилавермабди. Ҳориган халқ оқсоқол ва эл катталари турган жойга келибди. Ушоққини қаердан, қандай қилиб тушиб кетганигини билгиси келибди. Оқсоқол қайта тунунтирибди ва сўнгра белбоғини ешибди. Шу фурсатда—дастлаб енг ичига кирган ва белбоғига келиб тўхтаган ушоқ ерга тушибди. Ушоқни топишибди, оқсоқол ва эл катталари, бутун қинлоқ аҳли хурсанд бўлибди. Ушоқ қидирилган ва элақдан ўтказилган тунроқ тенга эса ушоққатна деб эл ном қўйибди. Шундан буён бу теналик ва унинг ёнидаги қинлоқ Ушоққатна деб элда овоза бўлибди...

Кўраминки, бу ривоят замирида инсон меҳнатига, бирдамлик қудратига, нонга, инсон ҳурматига эътибордек буюк ҳикмат мужассамлашган. Бир бурда нон ушоғи, унинг қадр қиммати, “Нонга ҳурмат—элига ҳурмат” мақолисининг тарбиявий аҳамияти қанчалик даражада устун эканлиги ўз ҳаётини ифодасини тошган. Зеро, бир бурда нон ушоғи билан барча

оқсоқолларнинг ёшини ва ҳурматини баб—баравар эъзозлашимизнинг ҳам табиий асослари ана шундан. Шондек табарруқ бўлиш, —деб бекорга айтганимиди доно халқимиз.

Маълумки, муस्ताқил давлатимиз пойтахтининг қоқ марказидан оралиб ўтувчи Анҳор ўз сувини асосан иккига, яъни “Қонқус” ва “Чола” ариқларга бўлиб беради. Қонқус ариғининг помни билан аталувчи қишлоқ ҳозирги даврда ҳам мавжуд. Мана шу қишлоқ помининг пайдо бўлиши ҳақида турли—туман вариантлардаги ривоятлар яратилган. Улардан бирида нақл қилинишича, қадим замонларда шу қишлоқда оч —юпуш, ҳамма вақт бир хил тарзда ҳаёт кечирадиган бир камбағал йиғит яшаган экан. У ҳамини бировларнинг уйида хизмат қилиш орқали кун кечирган. Кунлардан бир кун қишлоқ оқсоқоллари ўзаро маслаҳатлашиб, шу бечора йиғитга бир нарча ер берайлик, тирикчилик қилсин, у ҳам орамызда юрибди—ку”, — дея қишлоқнинг бир чеккасида ер берибди. Бундай илтифотдан камбағал йиғитнинг боши осмонга етиб хурсанд бўлибди. Бироқ қуриқ ерда ишлашга ҳеч нарсаси йўқ, ҳамёни қуруқ бўлган бу йиғит шаҳарга тушиб, икки йил мардикорлик қилибди. Ниҳоят икки йил давомида топганини ҳамёнига солиб, икки қон қотган помни елкасига кўтариб келибди ва ҳалиги ўзига берилган ерга қарай бошлабди. Қилини—ёзини қаттиқ ишлабди, ариқ қазибди. Лекин камбағал йиғитнинг ерига ҳеч ким сув бермабди, ҳар ким ўзининг қазиган ариғидан келаётган сувни йўлдан тўсиб, ўз ерларини суғораверибди. Баҳор ўтиб ёз келибди, ҳамма ерлар кўм—кўк, лекин камбағал йиғитнинг ери эса қақраб ётибди. Йил бўйи ариқ қазиб, бир нарча ерига сув учун юрак бағри эзилган камбағалнинг орзуси тасодифан ушала бошлабди: оқова сув етиб келибди. Боши осмонга етган камбағал йиғит: “Худога шукр, еримга сув кела бошлади, меҳнатим зоя кетмади, меҳнат сувимдан бир ҳўшлай”, — деб қорни билан ерга ётибди. Иссиқ кунда эгтикчи, лаблари қақраган йиғитнинг чаққонлигидан лаблари сувга тегади—ю, йиғитнинг оғзидан лахта—лахта қон кетиб, шу ондаёқ жон берибди. Сув учун қон қусиб, жон берган камбағал йиғитнинг ўлимидан кейин шу қишлоқнинг ва сув келадиган ариқнинг помни Қонқус дея номланибди.

Ривоятга асос қилиб олинган сюжет қатларида анчагина тарихий ҳақиқат бор. Қонқус ариғидан сув ичувчи меҳнаткешларнинг бир нарча ерларини суғорини учун тўртгал азоб—уқубатларининг рамзий ифодаси йиғит тўртган азоб—уқубатларда тўла намоён. Бинобарин, бу ариқдан бир нарча ерни суғорини шунчалик қийин бўлганики, ундан сув олиб келиб меҳнаткеш деҳқонлар ўз экинларини суғорганча қанчадан — қанча заҳмат чекканлиги тарихий ҳақиқат. Шу боисдан маҳаллий меҳнат аҳли бу ариққа ва ўзлари яшаётган қишлоққа Қонқус деб

ном беринчи бежиз эмас. Аслида Қонқус сўзи маҳаллий аҳоли орасида ҳам қишлоқ ва шу қишлоқ ариғи, деган маънода кўпроқ инқилилади.

Самарқанд вилоятидаги Нурота туманида машҳур Жўш қишлоғи бор. Бу қишлоқ ўтмишида жуда катта бўлиб, айтишларича, унда 360 даҳна бўлган. Бу қишлоқ аҳолиси сўзга чечан, энчи кишилар бўлган. Манихур ўзбек бахшиси Эргаш Жуманбулбул ўғлининг авлодлари ҳам шу ерлик. ЎЗР ФА А.Навоний номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор архиви, инвентар №1723 сонли папкада сақланаётган ривоятда ушбу қишлоқ атамаси қуйидагича изоҳланади: айтишларича, Искандар Зулқарнайин ҳазратлари шу жойдан қўшни тортиб ўтганларида унинг ҳикмат тўла кўзларига бу жой жўш урган дарё бўлиб кўринибди. У бу жойнинг номи Жўш бўлсин, деб айтибди. Шундан кейин бу жойнинг номи Жўш деб юритила бошлабди...

Аслида бу қишлоқ жойланган ерга Искандар борган-бормаганлиги аниқ эмас. Бироқ Самарқанд биқинидаги Афросиёб ҳаробалари Искандар юришлари билан боғланганлиги сабабли Жўш қишлоғининг номи ҳам шу буюк саркарда номи билан боғлиқ ҳолда изоҳланади.

Қуйидаги ривоят эса Иштихон топонимини изоҳлашга қаратилган. Унда айнилича, Иштихон асли Ичдихон бўлган экан, Чинбойлик бир бой худди шу жойда хонга қимиз ичирган экан. Бойнинг хизматкорлари хоннинг қимиз ичган—ичмаганлигини сўрашганда, уларга “хон ичди”, деб жавоб беринган экан. Шундай қилиб, хон ичти—ичти хон бўлиб кетган экан. Кейинроқ у Иштихон деб атала бошлабди. (Бу ривоят ҳам юқорида қайд этилган архивда сақланади.—У.Ж.) Айрим тарихий манбаларда ва олимларнинг асарларида айтилишинча, Иштихон Ўрта Осиёдаги энг қадимий топонимлардан бири бўлган. Тарихчи О.И.Смирнова ва бошқаларнинг фикрича, иштихон сўзи сўғдча “саккиз ариқли”, “саккиз каналли” маъносини билдиради. Ишт—хант саккиз, хон—канал, демек, саккиз канал деган маънони билдиради. Қишлоқ номи ҳам шу сўздан олинган.

Кўриниб турибдики, топонимик, айниқса, ойконимик ривоятлар асосан мавжуд жой номларининг шаклига яқин сўзларни турли воситалар билан боғлиқ ҳолда вужудга келтириш орқали ўша жой номининг пайдо бўлишини изоҳлашга хизмат қилдирилади. Бироқ бундай изоҳларнинг аксарияти доим тарихий ҳақиқатга асосланавермайдилар. Шунинг учун топонимик ривоятлар у ёки бу жой номини илмий жиҳатдан аниқланда ёрдамчи материал вазифасини ўтайдилар, холос.

Маълумки, Нурота туманининг маркази тоғ билан ўралган, ҳуштабат, гўзал манзарали ўлка саналади. Шу туман номи билан боғлиқ ҳар хил вариантлардаги ривоятлар халқ орасида жуда кўнлаб

учрайди. Уларнинг бирида айтилишича, ҳозирги Нурога туманининг марказида дастлаб ҳеч ким янамаган экан. Тўрт томони тоғ билан ўралган, сувсиз бир саҳро экан. Савдогарларнинг карвон йўли шу ердан ўтар экан. Кунлардан бир кун карвондан бир чол аданиб ўзи танҳо қолиб кетибди. Чўlining жазирама иссинга дон беролмай сув излаб кўн йўл босибди. Охири бир баланд қирга етиб келибди. Чол қирнинг теласига чиқиб олиб, атрофини зимдан кузатибди. Шунда унинг кўзига қирнинг ёнида кўкариб турган бир туғамгина ўт кўринибди. Чол олдин шундай ёзининг жазирама кунда кўкариб ўсиб турган ўтин кўриб ҳайрон бўлибди, қирдан тушиб, ўтга яқинланиб келган сари у намлигини сезибди. Кейин ўт атрофини қўли билан кавлаб кўрган экан, озиғина кавлагандан кейин нам лойи чиқибди. Чол хурсанд бўлганидан чарчаниш ҳам билмай ҳалиги жойини кавлайверибди. Сўнгра кавлаган еридан жимирлаб сув чиқибди. Чолнинг хурсандчилиги янада ошибди. У кавлаб сув чиқарган жойининг атрофини тош билан ўраб, шу ерда янаёй бошлабди. Бу ердан—карвон йўлидан ўтаётган савдогарлар шу қир атрофида тўхтаб, бирикки кун қолиб, сув ичиб ва дам олиб, кейин яна ўз йўллариغا кетадиган бўлинибди. Чолнинг исми Нур бўлган экан. Ундан миннатдор бўлган савдогарлар уни ҳурмат қилиниб Нурога деб мурожаат қилишар экан. Шундан бошлаб сув чиққан жойга “Нурога бўлоғи” деб ном берилибди. Аста—секин вақт ўтинин билан савдогарлар карвони тўхтаб ўтадиган жойга одамлар келиб янаёй бошлабди. Натижада улар янайдиган макон келгайибди. Бу ер ҳам бўлоқ номи билан Нурога деб номланиб қолибди...

Келтирилган ривоят сюжетиининг замирида анчагина тарихий ҳақиқат ётибди. Мазкур географик маконда дастлаб Нур деб номланган қишлоқ бўлган. Кейинчалик унинг ёнидаги тоғлар ҳам шу қишлоқ тоғлари деб аталган. “Нур” сўзи аслида арабча “ёруқлик”, “шўъла” деган маънони англатади. Ота эса азалдан зиёратгоҳ, муқаддас жойларга қўйиладиган қўшимча саналади. Нур + ота=Нурога тарида бизгача етиб келган. Нур номидаги қишлоқ Бухоро шаҳри вуҷудга келмасдан ҳам олдин мавжуд, деган фикрлар бор. Масалан, X асрнинг машҳур тарихчиси Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарининг 20—саҳифасида Нур қишлоғи азалдан зиёратгоҳ жойи эканлиги ҳақида қуйидаги қимматли маълумотларни ҳам беради: “Нур” катта жой. Унда масжиди жоме бор, у кўпгина рабобларга эга. Бухоро ва бошқа жойларининг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Бухоро аҳолиси бу инда кўн муболага қиладилар. Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган кишининг фазилатига эга бўлади: у зиёратдан қайтиб келганида табаррук жойдан келганини сабабли шаҳарини хавоиза банд қилиб безатадилар. Бу Нуриин бошқа вилоятларда Нури Бухоро деб аташадилар. Тобенизардан (Мухаммад

пайғамбарни ўз кўзи билан кўрган саҳобаларни кўрган кишилар—тарихчи Наршахний (зоҳид) кўн кишилар бу ерга дафн этилганлар... Демак, тарихчининг айтишича, Нуротада таниқари, яна бонқа Нурлар ҳам бўлган. Наршахнийнинг фикрига шарқшунос В.В. Бартольд ҳам қўшилади. Ҳақиқатдан ҳам Нур сўзи билан боғлиқ жуда кўплаб зиёратгоҳ жойлар ва конкрет географик турар—жойлар ҳозирги кунда ҳам учрайди. Масалан, Бухорода Нурота номли мазор, Самарқанд яқинида Нури миёнкол, Нурибод деган қишлоқлар ва уларнинг келиб чиқниши, номланиши ва этимологиясини изоҳловчи кўплаб афсона ҳамда ривоятлар ҳам учрайди.

ОРОНИМИК РИВОЯТЛАР

Ер юзасининг рельеф шакллари—тоғлар, чўққилар, ғорлар, дўнганк ва тепаликлар, қирлар, жарликлар, шунингдек, ҳар хил турдаги водийлар ва текисликларнинг келиб чиқниши, номланиши тарихи ва этимологияси, географик ўрни, ранги, ҳажми ҳамда гайритабиий шаклларнинг атамаларини ихчам сюжетлар воситасида изоҳлашга хизмат қиладиган ривоятлар оронимик (грекча орос—тоғ) ривоятлар деб номланади.

Маълумки, оронимлар, яъни ер юзининг рельеф шакллари номлари жуда узок даврнинг маҳсули. Уларнинг қачон пайдо бўлганлигини, нимага асосан шундай ном олганлигини, даврлар ўтиши билан бу номда қандай ўзгаришлар юз берганлигини аниқлашда маълум маънода оронимик ривоятлар бой фактик материал берувчи бирдан—бир манба ҳисобланади. Қолаверса, бундай ривоятларни кўздан кечириш у ёки бу территорияда яшовчи халқларнинг тарихий ҳаёти, қадимги ижтимоий—сиёсий турмуши ва дунёқарани, урф—одати, маросими ҳамда касб—корига оид кўнгини масалаларни ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Она табиатнинг мўъжизалари сифатида юзага келган ажойиб ва ғаройиб масканлар—оронимлар қадимдан ер юзининг турли бурчакларида минг—минглаб учрайди. Уларга қўйилган номлар ҳам тилетик ва тарихий асоси жиҳатидан жуда қадимий даврларга бориб тақалади. Бундай номларнинг жуда кўпчилиги тарихнинг турли даврлари ғалвирларидан ўтиб ихчам ривоятлар асосида оғзаки тарзда авлоддан—авлодга ўтиб келмоқда. Бошқа яна бир қисми айрим даврлар руҳи ва динлар таъсирида даслабки номлари ўзгартрилиб, янгича ном берилган. Бундай номлар замирида кишилик жамиятининг турли босқичларидаги инсонларнинг дунёқарани, она табиатга муносабати қай даражада бўлганлиги ўз ифодасини тошган.

Қадимги одамлар тоғ чўққисен билан осмонни фарқ қилмаганлар. Осмон ва баланд тоғларни худоларининг макони деб тушуниганлар. Дунё халқларининг тарихига мурожаат қилсак, Фаластинда—Синай тоғини, Ҳиндистонда—Ҳималай тоғини, Грецияда—Олимпия тоғини, Ўрта Осиёда—Судаймон тоғини худоларининг яшаш жойи деб билишган. Тянь—осмон, шон—тоғ демакдир. Ҳатто VII асрда Хитойлик саёҳатчи воиз Сюанг—Цзян Ҳиндистон ва Ўрта Осиёга саёҳат қилганда, Тянь—Шаннинг энг баланд чўққисини эгаслайди ва уни “Хон таггри” деб номлайди. Кинилар тасаввурича, таггри энг олний худо ҳисобланади. Таггри ибораси нафақат илоҳий куч, шу билан бирга, у “юксаклик”, “энг баланд”, “бахайбат” деган маънони ҳам аниқлатган. Қадимги Ўрта Осиё халқлари орасида ҳам энг баланд тоғлар таггри тоғ дейилган ва мудадаас ҳисобланган. Уларнинг илк тасаввурича, таггрига кўтарилиш хавфли саналиб, гўё унда арвоҳлар изғиб юрармиди. Кўп жойларда тоғ қояликлари сенишини жойларига айланттирилган. (Бу ҳақда қаранг: Жақлиев Т. Табиат, исон ва дин. Т., 1986, 13—14—бетлар). А.Н.Штернбергининг фикрича, содда одамлар осмонни тоғдан бошланади, деб билганлар. Қуръонда ҳам ер ва осмоннинг туғилиши, осмон гўмбазидан бошланганлиги ёзилган. Унда Оллоҳ номидан таггрилиб: олдин осмон ва ер қўшилган эди, биз уларни ажратдик, дейилади. Умуман, тоғга сенишини одатлари одамлар онгида узоқ вақтгача сақланиб келган. (Яна қаранг: Штернберг А.Н. Первоисточники религия в свете этнографии. М., 1936, с. 380 — 381.)

Қадимги одамлар орасида таггри туғунчаси баланд тоғ чўққисен маъносида қўлланганлиги сабабли тоғлик халқларда тоғ чўққисига ҳам сенишини одати бўлган. Айрим олимларининг таъкидлашича, Ўрта Осиёнинг тоғлик халқлари орасида мавжуд бўлган сенишини жойи оббо —тон уюми ҳам тоғ чўққилари, улар орқали осмон билан боғлиқдир. (Қаранг: Зибковец В.Ф. О чёрном и белым магнии. М., 1965, с.150). Т.Жақлиевнинг ёзинишча, оббога сенишини одатлари тува, бурият, мўғул халқлари орасида ҳам учрайди. Бу одатга кўра, ким тоққа чиқса тон тўдасига ўз тоғинини қўшиб дуо ўқийди. Француз этнографи Дюссо фикрича, бу сенишинининг моддийланган формасидир.

А.Н. Штернбергининг ёзинишча эса, ҳар бир тон илоҳий кучга эга бўлиб, мудадаас тоғнинг бир бўлагидир. Қирғизлар Оббога: Тон мазор деб юритишади. Оббодан қурилган материаллари ёки бошқа мақсадлар учун фойдаланиш гуноҳ ҳисобланган. Демак, Оббога тоғинини ҳам тоққа тоғининининг давомидир. Тоққа тоғинини эса таггрини келтириб чиқарган. (Қаранг: Жақлиев Т. Ослатишган асар, 14— бет). Умуман, тоғларга сенишини одатлари кинилек жамиятнинг илк босқичларидан тортиб узоқ даврларгача давом этиб келган. Бу одат дунёдаги барча халқлар қатори,

Ўрта Осиё халқлари орасида ҳам кенг тарқалганки, уларнинг айрим кўрсаткичлари ҳозир ҳам мавжуд. Масалан, Ўрта Осиёдаги энг машҳур Антарваз ва Мирваз каби тоғ чўққиларининг тоғлик чорвадорлари, шунингдек, Учқиз, Нурота ва бошқа тоғ чўққиларининг ўзбек чўпонлари уларининг ирлари дейишган, айрим кишилар ҳозирча бу жойларга зиёратга бориб келаётганлиги фактининг ўзиёқ фикримизга тўла далил бўла олади.

Туркистон тоғ тизмаларининг—Шовқартоғ тизмасидаги энг баланд тоғ чўққиси—Бозори хоним деб номланади. Бу чўққи Ўзиззах вилоятининг Ёзилорол туманига қарашли территориясида жойлашган. Кекса отахон ва онахонларининг оғзаки маълумотларига қараганда, маҳаллий аҳоли Бозори хоним чўққисига қадимдан ситганилар ва зиёратга борганлар. Биз чўққининг номларини тарихи билан қизиқиб кўрганнимизда, маҳаллий аҳоли вакиллари ҳар хил афсона ва ривоятлар намуналарини айтиб беришди. Мана уларининг битта намунаси: "... Қадим замонларда бир кун Самарқанд юртининг маликасига машҳур фолбишлардан бири: ... Сизни чаён чақиб ўлдиради", — дебди. Шундан кейин малика саройдаги қароргоҳини ташлаб, ўз канизаклари ва хизматкорларини олиб, ана шу азим тоққа чиқиб кетибди. Бу ерда катта саройлар, бозорлар қурибди. Малика бир кун бозорларни сайр қилиб юриб, узум харид қилибди. Тоғдаги энг хушманзара ва баҳаво жойдаги қароргоҳига бориб, узумни истеъмол қилаётганда қўлидаги узум ичингиларидан катта чаён чиқиб қолибди. Шунда у тақдирга тап бериб жиляжилоғи (бармоғи) ни чаёнга тутиб берибди ва ўша ерда вафот этибди. У янги қурган қароргоҳига дафн этилибди ва шундан буён бу жой Бозори хоним деб атала бошлабди...".

Ўрта Осиё халқлари ислом динини қабул қилишлари муносабати билан юқоридаги каби муқаддас зиёратгоҳ жойларда мачитлар, мавзолейлар, ислом динига алоқадор авлиё—анбиёлар, патрон ва пайғамбарларга атаб хонақоҳлар қурила бошлайди. Натижада Ўрта Осиёдаги тоғларининг энг кўзал ва хушманзара жойларининг номлари ислом билан алоқадор авлиё—анбиё ва пайғамбарлар номи билан боғланиб кета бошлайди. Масалан, Шохмардон, Сулаймон тоғи (Помир—Олой тоғлари), Сулаймон ота (Шеробод), Арслонбоб (Арслонбоб тоғи) шулар жумласидандир. Бундай мисолларнинг рўйхатини янада давом эттириши мумкин, албатта.

Уш шайхри ва унинг фарб томонида қад кўтариб турган тоғ ҳақида жуда кўплаб ривоят ва афсоналар тўқилган. Унинг барчасини бир жойга йиғиб, сюжетини қиёсий—типологик жиҳатдан ўрганиш шунини кўрсатадигани, дастлабки намуналари Одамота номи билан, бошқа баъзиларида тоғлик чорвадорларининг ири Загиота номи билан, яна бошқалари эса Сулаймон Пайғамбар, шунингдек, Искандар Зулқарнайин

номлари билан боғланган. Ёзишнинг фикримизча, Одамота ва Заигиота номи билан боғлиқ афсоналар ва ривоятлар генетик жиҳатидан Ўрта Осиёга ислом дини кириб келишга қадар бўлган даврларда яратилган. VII аср охири ва VIII аср бошларидаги араблар ислоҳоти давридан кейин эса бундай фольклор намуналарининг руҳи ўзгарган. Ҳатто тоғнинг асл номи—Бароқ кўҳ ҳам ўзгартирилиб, унга “Сулаймон тоғи” (“Тахти Сулаймон”) деган ном берилган, бу тоғ ҳақида Сулаймон пайғамбар билан боғлиқ афсоналар ҳам яратилган. (Бу ҳақидаги тўлиқроқ маълумотлар шу сатрлар муаллифининг “Тарих, афсона ва дин” (Тошкент, 1991й) номли китобида берилган.—У.Ж.).

Илмий манбаларда айтилишича, Помир—Олоӣ тоғ тизмаларидан энг хушманзара бир жойи Ўзган хонининг вазирларидан бири Султон Мозий Сулаймонга жуда ёқиб қолади. Бу вазир тоғнинг ана шу жойини ўзининг ёнги дам олин қадоргоҳи қилиб олган. “Сулаймон тоғи” (“Тахти Сулаймон”) номига келсак, дастлабки вақтларда уни Таврот ва Библия орқали кириб келган қуръондаги Сулаймон пайғамбар номига эмас, балки Ўзган хони вазيري Сулаймон Мозий Сулаймон номига қўйилган. Шундан бошлаб “Сулаймон тоғи” (“Тахти Сулаймон”) — деб атала бошлаган. Лекин бу жойни ижодкор халқ Ўзган вазирининг номи билан эмас, балки “Сулаймон пайғамбар”га нисбатан бериб номлай бошлаган. Натигада, “Тахти Сулаймон” номи билан боғланган жуда кўнлаб ривоятлар яратилар. кўинда ана шундай ривоятлардан бирини келтирамиз: ...Сулаймон пайғамбар ёшлигида жуда чиройли бўлган ва от миниб юринин яхши кўрган экан. Пайғамбарнинг отхонасида 500 та ажойиб чонқир отлар бўлган. Қўнларининг бирида пайғамбар пойгага берилиб кетиб, беш вақт намоздан бирини қазо қилибди. У энг эътиқодли мусулмон бўлганидан унқур отларини ҳам аямай, қилиб қўйган гуноҳи учун ҳаммасини сўйдириб юборибди. Худо Сулаймоннинг динга бундай содиқлиги ва қилган қурбонига таҳсинлар айғиб, унга катталиги 400 квадрат саржаниг (тахминан 800 квадрат метр) келадиган тахт ҳадя қилибди ва жинларни хизматкор қилиб қўйибди. Жинлар Сулаймонни тахт билан у ҳоҳлаган жойига кўтариб олиб бораркан ва бир кун бу тахтни Ўш шаҳри ёнидаги тоғнинг энг хушманзара қояси атрофига қўйган эканлар. Ўша вақтдан бошлаб, бу тоғ “Тахти Сулаймон”, (“Сулаймон тоғи”) деб атала бошлабди. Шундан кейин Сулаймон жинларга тахтни бошқа жойга олиб боришни буюрибди. Бироқ Ўшдаги жойлар унга жуда ҳам ёқиб қолибди ва шу ерларга ҳомийлик қила бошлабди. Бу ўзганинг бойлигига ва унга ҳеч қандай офат тегмаслигига сабаб ана шу экан. (Қаранг: “Средняя Азия”, 1910, январь, с. 32 — 33).

Рухонийлар Тахти Сулаймон “мўъжизалари” тўғрисида ҳар хил вариантлардаги ривоят ва афсоналар тўқиганки, уларда тоққа 366

пайғамбар ва худо томонидан юборилган элчиларнинг қадами етганлигига инсониятнинг руҳи етакчилиқ қилади. Бу ерда номоз ўқиган мўмин банди ўзини Муҳаммад пайғамбар билан бирга ибодат қилгандек ҳисоблашни мумкин, дея эътиқод қўйишга ундашади. (Қаранг: ПТКЛА. Тошкент, 1972, с. 4; Петран Ю.Г. Қадамжолар сирин. Тошкент, 1965, 25 — бет).

Ернинг тектоник ва экзогоник кучлари таъсирида Ўрта Осиёнинг тоғли туманларида кўнгина ғорлар, жаранклар вуждга келган. (Қаранг; Жавлиев Т. Табиат, инсон ва дин. 37 бет). Табиатнинг шунингари “мўъжизалари” ҳар хил диний афсоналар, ривоят ва эртакларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. (Қаранг; Курс Ўзбекистана.Т. УШ, Тошкент, 1970, с. 6 — 11; 22 — 37; 47 — 62; 71—101.; Жавлиев Т. Табиат, инсон ва дин, 37 —бет). Фандаги маълумотлар шунини тасдиқлайдики, кишилик жамиятининг ilk босқичларидаёқ тоғлардан қадимги одамлар янаин жойин сифатида фойдаланганлар. Дехқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши натижасида ғорларга плоҳий мазмун бахш этилган. Дин тарихи бўйича шуғулланган олимлардан Е.Ярославский, М. О. Косвен, А. В. Белов ва бошқаларнинг маълумот беришича, энг қадимги даврларда ғорлар Митра, Агни, Зеве, Адонис каби қадимги худоларнинг туғилган жойин бўлган. (Қаранг; Ярославский Е. Орелиний М. 1957. с. 432;

Косвен М.О. Очерки истории первобытной культуры. М., 1957, с. 432; Белов А.В. Рождение христианство. М., 1965, с. 20.). Ўрта Осиёдаги топонимик ва этнографик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, кўнгина машхур ғорларнинг номлари қадимги дин, хусусан, ислом дунёсидаги машхур пайғамбарлар, авлиё—анбиёлар образлари номлари билан боғлиқ бўлган ва улар ҳақида ҳар хил вариантлардаги афсоналар ва ривоятлар тўқиган. Бундай ғорлар қадимдан снғинини объектлари бўлган ва унинг айрим кўринишлари ҳозирги кекса отахон—онахонларимиз фаолиятида ҳам учраб туради. Жумладан, қирғизистондаги Чилустун ғорига яқин жойдаги Гулдурхона, Олхона, Туркистонда Чилтон бобо, Хўжа гумгум; Қашқадарёдаги Кантархона, Қирққиз, Амир Темур; Фарғонадаги Хайдархон, Тошкентдаги Обираҳмат, Юнусхон, Оқтош, Намангандаги Доровул бобо, Самарқанддаги Омонқўтон, Ҳазрати Довуд; Сурхандарёдаги Хўжа Гулдур ота, Хўжаншок номлари билан боғлиқ машхур ғорлар ва улар ҳақида яратилган ривоят ва афсоналар фикримизнинг далили бўла олади.

Туркистон давлатидаги Конет—Тоғ тизмасининг шимолий ён бағрида “Қувота” ғори жойланган. У маҳаллий халқ орасида қадимги даврларда Баҳордин ёки Дорун ғори деб номланган. Қувота ғорининг номини плоҳловчи ривоятлар жуда кўплаб учрайди. Уларнинг бирида айтилишича, бир камбағал йиғит билан қиз севиниб қолибди. Лекин қизнинг жоҳил

отаси камбағал йиғитга қизини раво кўрмабди. Шунда қиз йиғитнинг таклифига рози бўлиб, қишлоқдан тоққа қочибди. Лекин узар илдан ўз хизматкорлари билан қизининг жоҳил отаси қазабга тўлиб қувибди. Шунда отининг чоққирлиғи билан жоҳил ота олдинга ўтиб кетибди. Хизматкорларининг барчаси нима илож қилишини билмай хўжайинини қарата: “қувинг ота”, “қувинг ота” ва сўнгра у анчагина ўзоқлангач, “қувота”, “қув ота”, —дея бақириб қолишибди. Қизининг отаси қочқинларни тутай деб турганида йиғит ва қиз ёнидаги қоя қоқ ажралибди, оғиқлар унга кириб гоёиб бўлибди. Қочқинлар яширинган пайтда қоя ёнидаги гордан қора сел чиқиб, қизининг жоҳил отасини ҳалок қилибди. Хизматкорлар “қув ота!”, “қув ота!”—дея чарчаганликларидан қоя атрофидаги жойда тўхтаб қолибди. Шу тариқа хизматкорлар қолган бу макон билан хўжайинни кириб кетган гор “Қув— ота” номини олибди...

Бу қорининг номини изоҳловчи бошқа вариантлардаги ривоятларда Бахордин гори девлар макони, у гайритабиий йўл билан пайдо бўлган эмин, деган талқинлар ҳам бор.

Хуллас, турли жойлардаги она табиатнинг маҳсули ҳисобланган горлар ҳақида, улар ичидаги “сеҳрли” мавжудодлар, битмас—туғамас ҳазиналар ҳақида ижодкор халқ вакиллари томонидан жуда кўпилаб афсона ва ривоятлар тўқилган. Бу афсона ва ривоятларининг кўпчилиги мазмун жиҳатидан бир—бирига ўхшаш: гўё ер ости қасрларида афсонавий авлиёлар яшар, уларнинг каромати туфайли ер остида мўжизали каттакон саройлар бунёд бўлган эмин. Бу саройлар ичида эса “кароматли” ҳодисалар мавжуд бўлиб, шифобахш сувлар, мўжизали ҳодисалар пайдо бўлган эмин...

Маълумки, кишилик жамиятининг илк давлари одамзод пайдо бўлгандан буён табиат унга битмас—туғамас моддий ва маънавий бойликлар маскани, ардоқловчи она сифатида хизмат қилиб келади. Бу борада “Табиатдан ажралган инсон она кўкрагидан жудо бўлган гўдақдир” деган ҳинд халқининг мақолини эслаш ўринли. Табиат билан инсон ўртасидаги бу мангу муносабат кишилик жамияти ривожланиши билан тобора такомилланиб боради. Ўз навбатида она табиат ўзоқ даврлар заҳмат чекиб ўлкамиздаги тоғу—тоғларни, чўду биёбонларни, хилма хил мавжудодни, набобот ва нафосат масканларини яратди. Уларнинг ҳар бирига ўзинг хос ўрни, куч, ҳаракат ҳамда уларга ақ. бовар қилмайдиган даражада сир уасрор ва уйғунлик бағишлади.

Дарҳақиқат, табиатда юз берган ҳодисаларнинг баъзилари мураккаблиги, ажойиб ва гаройиблиги билан диққатимизни жалб қилади. Айримлари эса дастлабки қараида қандайдир “сир”лиги билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Масалан, шиддатли қуюнлар дарё ва қўл сувини бир зумда “хўшлаб” кетини, “қўйловчи” тоғлар, “увилловчи”

тегиликлар, “қўнғироқли” тоғлар, “мусиқали” ва рангли қоялар, шунингдек, “сўгли”, “балиқли”, “ташғали” ёмғирлар, сахро ва денгизлардаги сароб ҳодисаси шулар жумласидандир.

Ўлкамиздаги тоғларда тебранивчи харсангтошлар, устунсимон ва лимбуруғсимон ҳамда бошиқа ҳар хил мавжудод шакллариини эслатувчи қойтошлар жуда кўйлаб учрайди. Жумладан, Чотқол тоғидаги “Гўзал” ҳайкали, Бешик тош, Одамтош, Доратена қишлоғидаги Омбиртош, Пулшўқини кўриғи, Қирқтоғ массивининг ер ости қасрларининг қизилқумдаги сирли изларини кўрсатиши мумкин. Айниқса, Морғузар ва Нурота тоғ тизмалари мўъжизаларга бой. Масалан, бу ерда узоқдан кўзга ташланувчан қўйлар шаклидаги “Тошқўйлар” (Иқўйтошда), устунсимон пирамидалар (Бешбармоқ тоғида), “Сирли момотон” (Форин тумани), жарангловчи тош ёки “Дўмбиратон” (Мойбўлоқ қишлоғида), Лангарота (Хатирчи қишлоғида), шунингдек, “Қирққиз” табиий қалъси, “Сават кўтарган келинлар”, “Тошқизлар”, “Қуёв тош” каби табиат мўъжизалари бор. Бундан ташқари, отқинди қояларида шамол ясаган турли шакллар — дарзлар, ўчоқлар, равоқлар ҳам тез—тез учраб туради (Бу ҳақда қarang: “Фан ва турмуш”, 1987, №12—14— бeтлар).

Табиатнинг мўъжаз обидалари, ажойиб гўналар олдиди бўлган ҳар қандай кишининг у узкан ҳазиналар макони, беқиёс кўрк, ҳусн ва зийнатларга бой олам эканлигига жалб этади, ундаги подир тош обидалари эса нуриқор тоғларга ҳаётний кўрк бағишловчи ҳайкаллар сифатида хизмат қилиб келаётганига тўла ишонч ҳосил қилади.

Табиатнинг ажойиб сўлим гўналари, чупончи, Чотқол тоғларидаги Аранош; Қурама тоғларидаги Ланкарак; Туркистон тоғларидаги Морғузар, Бойқўнғир, Суна; Нурота тоғларидаги Пармандо, Ҳаёт, Пангат; Зарафион тоғларидаги Гулбоғ, Қирқтоғ, Омонқўтон, Ҳазрати Банир, Қорабўлоқ; Ҳисор тоғларидаги Мирқин, Кўнбўлоқ, Хонтахти, Обизаранг, Хурасанг, Бодомистон каби нафосат масканларида бўлган ҳар бир киши ҳаёлини табиатнинг подир тош обидалари ҳақидаги маҳаллий халқ томонидан яратилган ҳар бир вариантдаги ривоятлар гирдобига томон етаклайди. Масалан, Ўзиззах вилоятидаги Гуралансойнинг ўнг қирғоғида қоранокшоқ қишлоғидан 4—5 километр шарқ томондаги “Қуёвтош” номи табиатнинг антиқа обидаси ҳақида маҳаллий аҳоли орасида қўйидаги ривоятнинг излари жуда махшур: ёр вастига ташна йиғит севиқлиси билан тоғу тошлар бағрида шўхона учрашиб тураркан. Ўзаро келишилган навбатдаги учрашув пайтида бўлажак қуёв—йиғит севиқлисини тополмай қолибди, уни узоқ йиллар тинимсиз излабди. Ниҳоят, у дилдорини ахтариб юрганда қаҳратон қида қорининг остида музлаб қолибди ва тошга айланибди. Шундай бўли бу тош маҳаллий аҳоли орасида “Қуёв тош” ёки “Тош қуёв” номини олибди...

Туркистон—Нурота тоғ тизмаларига мансуб Қўйтош тоғидаги тошларга узоқдан назар ташланса, ўйлаб сурув қўйлар ёйилиб келаётганга ўхшайди. Нигоҳингизни қадаб тураверсангиз, ҳарсанг тошлар қўйга, қоя тошлар одамларга ўхшаб кетади; турли жонли ва жонсиз шаклларни каниф қилаверасиз. Бу тошлар ҳақида маҳаллий халқ орасида ҳар хил вариантдаги ривоят ва афсоналар қўйлаб учрайди. Мана, улардан бир намуна: қадим замонда ғоят чиройли бир ёш жодугар қиз бўлган экан. У ўз сехрлари билан сувни дарахларга, дарахларни эса бошқа нарсаларга айлантирар, истаса ҳамма нарсаларни сувсизликдан қовжайратиб юборар, истаса сув тошқинига чўктирар экан. Қўйлардан бир кун ёш ва бақувват йигитга дуч келиб қолибди, қалби чўнон йигитни сехрларига йўл қўймабди, чунки чўнон йигитни сениб қолибди. Бардонин тутаган қиз йигитга: “менга уйлан!”—дебди. Чўнон йигит эса: “менга гўзаллардан кўра, оддий меҳрибон, олижаноб қиз кўпроқ ёқади, сен эса халққа кўн ёвузликлар қилдинг”, деб қиздан нафратланибди. Бунга чидай олмаган қиз чўнонни ҳам, қўйларни ҳам тошларга айлантириб қўйибди—да, ўзи ҳам тошга айланиб қолибди. Уша қизнинг сехридан кейин бу тоғдаги тошлар узоқдан қўйлар шаклига кириб қолибди ва “Тош қўйлар” — Қўйтош деб ном олибди. Маҳаллий аҳоли орасида бу тоғлар Қўйтош тоғлари деб аталибди. (Қаранг: “Сирдарё ҳақиқати”, 10 март, 1990 йил).

Ўрта Осиё территорияларига мансуб тоғларда, хусусан, Помир—Олоёй тоғ тизмаларида турли шакллардаги қоялар, тоғ жинслари ва уюмлари, мегалитлар ҳамда метаморфозалар учрайди. Ч.Валихоновнинг маълумот беришича, Ўрта Осиёдаги халқлар қадимдан Помир—Олоёй тоғларидаги турли хил мегалитларни ер ҳудоси деб сениганлар ва уларга садақалар келтирганлар. Қорақалпоқ афсоналарида айтилишича, ҳудо хирмон ва унинг эгасини тошга айлантирганлиги сабабли «Тошхирмон» деб аталувчи метаморфоза найдо бўлибди. (Бу ҳақда қаранг: Валихонов Ч. Собрание сочинений. В пяти томах, т.1, с. 470. қаранг: Этнография каракалпаков XIX—начала XX века 1980, с. 192)

Сурхондарёдаги Қўхитанг тоғида одам шаклидаги “Ҳасан як даста” номли тоғ жинси ҳам учрайди. Профессор Т.Жавлиевнинг таъкидлашича, у баланд тоғ тизмасида жойланган бўлиб, узоқдан одамга ўхшайди. Лекин яқинига бориб қараса, ҳеч қандай одамга ўхшамайди. В.Н.Басиловнинг ёзишича “Қирк қиз”, “Беш қиз”, қўй, туя, илон ва ҳоҳизолар шаклидаги тошлар ҳам учрайди. Халқ орасида муқаддас кулът сифатида эъзозланади (Қаранг: Басилов В.Н. Кулът святых в исламе. Т., 1970, с.127; “Сирдарё ҳақиқати”, 1990, 10 март). Баъзи жойларда Сўял тош, кўк тош, тешик тош, бўзоқ тош, бешик тош, қиз тош, илон тош, сурат тош, туя тош, қўй тош кабиларни ҳам учрагани мумкин. Оша табиатининг турли жойларида бундай тошлар ҳақида эътиборли тарихчиларнинг асарларида ҳам

афсоналарни маълумотлар учрайди. Масалан, XVI асрда Ҳофиз Ташини (Ҳукарий) Ҳанининг “Абдуллонома” (“Шарифнома шохий”) асарининг биринчи жилди, 272-саҳифасида ўлкамизда мавжуд бўлган ҳар хил тошлар ва уларнинг ҳосиятлари ҳақида қуйидагича ёзади: “Туркистон билан Мовароуннаҳр ўртасидаги тоғда бир хил қора тош бор. У кўмирга ўхшаб ётади. Уни эшакларга ортиб шаҳарларга келтирадилар. Халқ уни сатиб олади. Агар уни ёқдирганда, кўли оқ бўлади. Уни кийим ва сазланни оқиртиришда ишқор ўрнида ишлатадилар. У тоғда яна бир хил тош ҳам борки, уни сувга ташлаганда шамол, бўлут, чақмоқ ва ёғин пайдо бўлади. Ҳисмат аҳли буни у тошнинг хоссаларидан, деб биладилар...”.

Қадимдан турли ранглар ҳамда улкан шаклдаги тош (мегалит)ларга енгинини, уларнинг номларини ихчам ривоятлар воситасида изоҳлаш Ўрта Осиё халқларида ҳам кенг тарқалган. Улардан бири “Кўк тош” ҳақидаги ривоятдир. Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани Иқўш қишлоғидаги жоме масжидининг олдида узунлиги одам бўйи келадиган Ўзғонининг кўк тоши бор. Маҳаллий аҳолининг айтишларига қараганда, бу тош мана шу ерда бир кечада пайдо бўлган экан. У осмондан тушган бўлиб, ажойиб шифобахш хусусиятга эга экан. Агар кўк йўтал бўлган кишилар унинг устидаги чуқурчага сув қўйиб ичинса, тамоман соғайиб кетар экан.... Ҳозиргача хотинлар болалари кўк йўтал бўлиб қолса, ана шундай йўл билан даволанишга ҳаракаат қилишади...

Бизнингча, тошнинг улкан ҳажми унинг бир кечада осмондан тушгани билан боғлиқ ҳолда изоҳлашнинг сабаб бўлган. Унинг гайритабiiий ранги эса шифокорлигига боғлиқ ҳолда талқин этилган. (Қаранг: Сиссаров Г.Н. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. М., 1983.)

Ўрта Осиё территориясидаги тоғларда учрайдиган бундай тошлар ва уларнинг шаклларини ижодкор халқ вакиллари ислом дунёсидаги машҳур пайгамбарлар, авлиё ва анбиёлар номи билан боғлаб ҳар хил диний афсоналар ва ривоятлар яратдилар. Уларнинг айримлари узоқ вақтлардан буён топонимик жой номларига ҳам айланиб кетган, ўз навбатида диний-топонимик афсоналарнинг яратилишига ҳаётий замин бўлган. Масалан, Ўш шаҳридаги “Тахти Сулаймон”, Амударёдаги “Дулдул ҳатлаган”, Тожикистондаги Ҳофизинхон дарёси лабидаги “Пойи Дулдул”, Охангарон олдидаги “Алининг қояси”, Сирдарёдаги Фарҳод қояси, Фарғонадаги “Шоҳимардон”, Туркистон чегарасидаги “Зулфикор йўлаги”. Номирнинг нимолний қисмида жойлашган “Чироқ тош”, “Мамат тош”, Туркистондаги “Дулдул айғир” дўнлиги каби афсонавий номлар билан боғлиқ диний-топонимик ривоят ва афсоналар фикримизга тўлиқ далил бўла олади, деб ўйлаймиз.

Кўринадиким, Ўрта Осиёнинг тоғли районларида янаб келган халқлар қадимдан у ёки бу тоғ ва унинг айрим "юксак" чўққиларига синалганлар, энёратга чиққанлар, умуман, улар форин қадимги кулёт сифатида эъзолаб келганлар. Лекин тоғлик халқлар орасидаги сифинин жойлари—тош уюмлари, энг баланд чўққилар, турли хил шаклдаги қоялар, тоғ жипслари—мегаитлар ва метаморфозалар ҳақида жуда кўйлаб ривоят ва афеоналар яратилди. Лекин уларнинг аксарият қисми бонқа динлардан ўзлангитрилиб олинган ёки диндорлар томонидан маҳаллий шароитга мослаб иеломлангитрилган. Бундай асарларнинг сюжетига эътибор қилсак, иелом билан аълоқадор найғамбарлар, азиз ва авлиёлар шахсиятини, уларнинг ҳиёти ва фаолиятинин идеалангитрилганлигига гувоҳ бўламиз. (Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Жўманазаров У., Эргашева Г. Эелангилган мақола 101 бет).

Турли даврларга мансуб тарихий, этнографик, топонимик манбалар саҳифаларида берилган нодир маълумотлар, шунингдек, халқ оғзаки ижоди хазинасидаги мавжуд бўлган ўзоқ йиллардан бўён тўпланган ва қўлган киритилган фактик материалларнинг гувоҳлик беришларича, Ўрта Осиё территориясидаги айрим водийлар, текисликлар ва чўллаларнинг номлангитрилган тарихи ва унинг этимологиясинин изохловчи ривоятлар намуналари кўйлаб учрайди. Уларнинг айримлари эътиборли тарихчиларимизнинг у ёки бу асарларида келгитрилган бўлса, яна бир гуруҳин оғзаки тарзда бизгача етиб келган. Масалан, мустақил давлатимиз территориясининг каттагина қисминин шифол қилган Мирзачўл, Қарини, Малик, Ёзёвон, Шеробод каби ўйлаб чўллаларнинг номин ва этимологиясин билан боғлиқ ривоятлар шундай гуруҳга мансуб.

Бўхоро ва Навоний оралиғида Малик чўли бор. Ушбу жойининг айван шу ном билан аталгитрилган ҳақида турли—туман ривоятлар яратилган. Улардан бирида шундай дейилади: Бўхоро амири ўз тасарруфидаги ерларин айлангитрилб юриб, шу чўлга етиб келибди ва чодир тикдириб дам олиб ухлаб қолибди. Анча фурсатдан кейини ўйғониб, барча амалдорларинин чақиргитрибди, ўзини кўрган тўшнин айгитибди:

—Мен тўшнимда ўзоқ бир чўлга чиқиб келибман. Анча юргангитримдан кейин бир дарёга етибман. Дарё устида темир кўприк бор экан. Кўприкдан ўтиб, бир ғорга кириб келибман. ғор ичида икки хўм тикла ётган эмин. Ушн олиб ортимга қайгитиб яна тахтимга соғ—саломат ўтирибман. Бўшнинг таъбири нима бўлади?

Амир қошидаги амалдорларининг бири у, бири бу—дейишибди, лекин уларнинг биронгитраси ҳам тўш таъбиринин тўғри айгитиб бера олмабди. Шунда амирнинг бир жидовгар доно хизматкори ҳам бор экан. У амир ўтирган чодирининг бир четига қараса, бир илон келиб, бир чуқурчага кириб

қилибди. Буни Маликдан бошқа ҳеч ким кўрмабди. Шу пайт амир шайхдан туни таъбирини сўраб қолибди. Малик таваккал қилиб:

— Улут амирим, олтин тунда ҳам, ўнгда ҳам яхшилик, бойлик асосиасидир. Тушнатгиз таъбири шуки, чодирингиз тиклаган шу оёйда икки хум тилло бўлса ажаб эмас, — дебди.

Амир дарҳол чодирин бошқа жойга кўчиртириб, унинг ўринини олирибди. Қаранса, икки хум тилло чиқибди. Амир хурсанд бўлибди, шу жойга доно жилловлари Маликка атаб улкан дарвоза қурдирибди ва ўтган кетган карвонлар чанқогани қондирсин деб қудуқ қаздирибди. Шундан кейин бу чўлини Малик чўли деб юритишни буюрибди. Ана шу оёқдан кейин бу улкан чўл Малик чўли деб юритиладиган бўлибди...

Албатта, ушбу чўлнинг Малик деб юритилиши асосида бутунлай Ғаффа тарих ётгандир. Лекин халқ ўртасида юқорида келтирилган ривоятнинг турли-туман вариантлари кенг тарқалган.

Айрим оронимик топонимларни изоҳловчи халқ ривоятларига кўнгилна мумтоз шоир ва ёзувчиларимиз ҳам мурожаат этишган. Ўқумладан Заҳириддин Мухаммад Бобур ўзининг “Бобуринома”сида ўрин билан айрим топонимик ривоятларин келтиради. Мазкур ноёб асарнинг 7—8 саҳифасида (Тошкент, 1989, “Юлдуз” нашриёти) келтирилган Хўжанд ва Қондибодом ўртасидаги Ҳодарвеш ҳақидаги ривоят бунинг далилидир: “Хўжанд билан Қондибодом орасида бир дашт тушубтур, Ҳодарвешга мавсумдир. Ҳаминша бу даштта ел борур. Марғинонғаким, шарқидур, ҳаминша мундин ел борур. Хўжандғаким ғарбидур, дейиш мундин ел келур: тунд еллари бор. Дерларқим, бир печа дарвинш бу бодияда тунд елга йўлиқиб, бир—бирини тополмай, “Ҳо дарвеш”, “Ҳо, дарвеш”, дей—дей ҳалок бўлубтурлар, андин бери бу бодияни Ҳодарвеш дерлар”.

XX асрнинг ўрталаригача “одам юрса оёғи, қунг учса қаноти кўйган” Мирзачўлининг номини изоҳловчи қўидаги ривоятда Мирза Улуғбек фаолиятидан бир кичик эпизод тилга олинади. Унда айтилишича, бир замонлар Мирза Улуғбек ўз навкарлари билан Туркистон тоғ тизмаларига, сўнгра Жиззахнинг ёнидаги кимсасиз бийдай чўлда кийик овлаш учун Самарқанд дарвозасидан (ҳозирги Жиззах атрофидаги Темурланг дарвозаси—У.Ж.) чиқибди. Ов ниҳоятда қизиқ кетибди. Бир маҳал Мирза Улуғбек Сирдарё ёқасига келиб қолибди. Шунда у навкарларига юзланди: “Биз бу дарё билан Зарафшонни бир—биринга тугантиришимиз зарур экан, шунда кийик овлаган мана бу ерларимиз боғ—роғларга айланади”, —дебди.

Сўзгоннинг амри вожиб, Сирдарёни чўл томонга буриш ҳаракати бошланибди. Афсуски, барча уринишлар зоя кетибди. Аммо “Мирзанинг чўли”, кейинроқ Мирзачўл деган ном ўшандан қолибди...

Бу ривоят замирида озгина бўлса—да тарихий ҳақиқат бор. Улуғ аллома бобомиз биргина коинот сирларини ўрганибгина қолмасдан ўз халқининг тинчлиги, фаровонлиги ва гам—танинчлигига ҳам алоҳида эътибор берганлиги ҳаётий ва тарихий факт. Шулар қаторида чўли—биёбонларни ҳам ўзлаштириш, ўзлари айтганидек “боғ—роғларга айлаштириш” каби улуғ ва савоб ишга киришган бўлиши ҳам эҳтимолдан ўзоқ эмас. Чунки тарих саҳифаларининг кўз назамас қатларидан асрий чўл—биёбонларга сув чиқариш, уларни гуллаб—яшнаётган водийларга айлаштириш истаги нақадар кучли бўлган улуғ алломалар ҳатти—ҳаракатларини далил сифатида кўплаб тошни мумкин. Фикримизга гувоҳ сифатида биргина тарихий фактни эслайлик. Бухорода амир Музаффархон ҳукмронлик қилган даврда Бухоро аркида бош муҳандислик вазифасини бажарган XIX асрнинг улуғ алломаси Аҳмад Доини ўз даврида Амударёдан Бухоро ва Қарши чўлига сув чиқариш, чўлни боғ—роғларга айлаштириш ғоясини кўтариб чиққанлиги тарихий факт. У бу сув ишнотининг дастлабки лойиҳаси тўғрисида ўз фикр—мулоҳазаларини Бухоро амирига ёзиб юборган. Аҳмад Доинининг таклифи ва фикр—мулоҳазалари “Наводирул—воқоъ” асарининг 37— саҳифасида ҳам баён этилган. Мана улардан айрим намуналар:

“Бир сафар эрга баҳорда ёғин—сочининг кам бўлиши далили бор эди. Амирга арзи ишро қилдимки, бу йил ёмғир оз бўлаяпти. “Гармоб” вақтида мабодо сув нуқсонга юз туғиши мумкин. Самарқанд суви умидида хотиржам, ўтириб бўлмайди. Агар Бухоронинг етти туманидан ҳар таноб ердан икки тангадан жуъул (фавқулодда солиқ йиғини) тўғрисида ишорати олий бўлса, шунча миқдор танга тўланади. Шу маблардан икки лак (икки юз минг) танга ҳарж қилинса, Қарши ёки Келиф қаршисидан Амударё сув чиқариб Бухоро, Қарши ва Миёнқоҳ (Амударё ва Қашқадарё ўртасида жойлашган қарши чўли)га келтириши мумкин...”

Тарихий манбалардага маълумотлардан аёнки, бундай олийжаноб аҳамиятга эга бўлган улуғ ва савоб тadbирларининг ҳаммаси ҳам амалга ошмавермаган. Чунки, маҳаллий ҳукмдорларнинг барчаси ҳам эл—юртнинг ободончилиги, оддий меҳнаткаш халқнинг турмуш ва ҳаётини эмас, балки ўз шахсий манфаатларини ўйлаганлар. Уларнинг қандай усулда бўлишидан қатъий назар, тезроқ бейиш, чўлнинг беҳисоб хазиналарга тўлдирини, оддий фуқаронинг ишона тери ҳисобига келаётган бойликларини янада кўнайитириш мақсадида бўлганликлари ҳеч бир ишот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Ҳалол меҳнати ва ишона тери эвазига бир амаллаб яшайётган ва ҳукмдорларни боқиб келаётган оддий ижодкор халқнинг қундалик ижтимоий—сиёсий ҳаётга ўз муносабатларини билдириб бораётганини бир туркум фольклор намуналарида ҳам кўриш мумкин. (Қарағ: Муродов М. Сарчашмадан томчилар. Тошкент, 1984).

ГИДРОНОМИК РИВОЯТЛАР

Дарёлар, қўлтиқлар, бўғозлар, шаршаралар, дарёлар, қўллар, сойлар, каналлар, ариқлар, бўлоқлар, қудуқлар каби сув объектларининг пайдо бўлиши, номларининг тарихи ва этимологиясини нўҳам сюжетлар асосида изохлашга хизмат қиладиган ривоятлар гидрономик (юнонча гидро—сув) ривоятлар деб аталади.

Турли даврларга мансуб тарихий, этнографик, топонимик ва онамастик адабиётларда берилган подир маълумотлар, халқ оғзаки ижодидаги ва қўлга киритилган фактик материаллар, шунингдек, айрим олимларнинг асарларида келтирилган изохларнинг тасдиқлангача, гидрономлар жуда ўзоқ тарихий даврнинг маҳсулидир, бинобарин, улар ҳақидаги ривоятларнинг вужудга келиши ҳам анча қадимийдир. Гидрономик ривоятлар ўзбек фольклори материаллари орасида ўзига хос ўрнини эгаллайди ва топонимик ривоятларнинг мустақил гуруҳларидан бирини ташкил этади. Тўнланган фактик материаллар шунинг кўрсатадики, ўтмишда сув иншоотлари билан боғлиқ гидрономларнинг топонимга айланиши турли хил—усулларда намойи бўлган. Масалан, айримлари сувнинг тўнланиши, оқishi, тезлиги билан боғлиқ бўлса, бошқа хиллари халқ ҳаёти ва турмуши учун жонини қурбон қилган ардоқли фарзандлари номлари билан аталган. Яна бир гуруҳ гидрономлар эса у ёки бу географик маконнинг номи билан, ёки маҳаллий ҳукмдорлар—фсодаллар, уруғ ва жамоа бошлиқлари, дин ҳомийлари номлари билан боғлиқ ҳолда талкин қилинадик, хўлаас, уларнинг ҳар бирининг ўз эник "тарихи" мавжуд. Гидрономик ривоятлар ўзбек фольклоршунослигида ҳанузгача тўла ёзиб олинмаган ва ўрганилмаган. Биз қуйида уларнинг айримларини қисқача кўздан кечиришимиз.

Ўрта Осиёда, хусусан, мустақил республикамиз территориясида жойланган айрим дарёлар, анҳор ва каналларнинг келиб чиқиши, номларининг тарихи, этимологиясини изохловчи ривоятлар тарихий, илмий, этнографик, онамастик манбаларда, шунингдек, топонимик адабиётлар ва луғатларда ҳам учрайди. Масалан, Зарафшон дарёси, Қармана ва Шофиркон каби анҳорлар, Туятортар канали билан боғлиқ ривоятлар ва маълумотлар шулар жумласидандир.

Маълумки, қадимдан Зарафшон дарёси ҳозирги Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари территорияларидан оқиб ўтади. Тарихий манбаларда у Политимет, Номик, Рудий, Мосаф, Ҳарам ком, Рудн жарг, Сомикан, Водийуссуед, Наҳрулбухоро, Дарёйн Қўҳак каби номлар билан тилга олинади. Зарафшон дарёсининг номларининг тарихи ва этимологиясини изохловчи ривоятларнинг вариантлари эл ораида жуда

қўн. Бундан қарийиб бир ярим аср аввал рус сайёҳи ва олим К.Ф.Бутенов томонидан ана шундай ривоятлар намуналари ёзиб олинган. Уларнинг бирида айtilинишча, (қarang: Бутенов К.Ф. Минеральнѳе богатства Бухари. Горнѳий журнал, 1842, ч. IV, кн. XI, с. 138.) Зарафшон дарёси номининг келиб чиқини Искандар Зулқарнайн юртинлари билан боғлиқ экан. Биз қўйида шу ривоятнинг матнини келтирамиз: Қадимги замонларда ҳозирги Бухоро шаҳари жойланган туман ва унинг агрофидаги кенг территориялар Зарафшон дарёсининг тошқин сувлари билан қопланган қўл ва ботқoқликлардан иборат бўлган экан. Искандар Зулқарнайн Мовароуннахрни истило қилганларида Бухоро шаҳри жойланган—сув босиб кетган жойларни қуришни мақсадида дарёнинг бошлангич қисмига олтиндан тўғон қурдириб, қўн меҳнатлар эвазига сувин боғлабди. Натижада дарёнинг юқори oқимида катта қўл ҳосил бўлибди, унинг қўн oқимидаги ботқoқлар эса қурибди. Аммо олтин тўғондан oқиб ўтган сув уни ювиб майда олтин зарраларини ўзи билан қўн қисмига олиб борибди. Шунинг учун бу дарё “Зарафшон” яъни “Олтин келтирувчи” номини олибди.

Зарафшон дарёсининг номланishi тарихи ва этимологиясини изохловчи бу ривоят замирида оз бўлсада тарихий ҳақиқат бор, деб ҳисоблаймиз. Чунки, биринчидан, йирик топонимшунос Э.Мурзасининг фикрича ва юқоридаги ривоятнинг тасдиқлаишча, зар “олтин”, афшон “сочувчи” (олтин сочувчи) этимологияси ҳақиқатга мос келади, иккинчидан, Зарафшон дарёсининг асосий irmoқларидан бири қадимда “Наҳри Зар” ёки “Рудн Зар” деб номланган, X аср тарихчиларидан Наршахий ва Ибн Хавкалларнинг бу борадаги маълумотлари дарёнинг номланishi ва этимологиясининг тўғрилигидан далилат бера олади. Қолаверса, XX асрнинг 60—йиллари бoнларида геолог oлимларимиз томонидан ҳозирги Зарафшон дарёсининг юқори ва ўрта қисмидаги соҳилларидан, шунингдек, қадимги ўзаниларидан олтин кони тошганлиги ва уларнинг айримлари қазиб олинганлиги фактлари ҳаммага маълум. Шунинг учун Бухоро вилоятидаги янгидан қад кўтарган Зарафшон шаҳрининг номи ҳам дарё номига қўйилган. Бу шаҳар ёнгинасида Зарафшон дарёсининг қадимги ўзани излари ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган ва худди мана шу жойдан ҳам олтин кони тошган.

Зарафшон дарёси номининг келиб чиқини эса Бухоро воҳасининг топонимияси билан чамбарчас боғлиқ. Қўн Зарафшон водийсининг суғорилиши тарихини мукамал ўрганган тарихчи oлим А.Муҳаммаджоновнинг таъкидлаишча, Бухоро воҳасидаги энг йирик ирригация тизимларидан бири Шохруд Магистрал канали ўрта асрларда “Наҳри Зар” ёки “Рудн Зар” номлари билан атаган... Шунинг учун X аср

муаллифлари Наҳри Зар Зарафшоннинг асосий қўйи ўзани, у Бухоро шаҳридан оқиб ўтади, деб ёзганлар. (Ибн Хавказ, ВСА, II, 355—бет). Шунга қўра, дарёга Зарафшон номининг берилиши қадимги Наҳри Зар каналининг исми билан боғлиқ. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам Шаҳрудиннинг аввалги шаҳобчаларидан бири Каннзар, яъни “Зар канали” деб аталади. (Қаранг: Муҳаммаджонов А. Қўйи Зарафшон водийсининг суғорилиши тарихи. Тошкент, 1972, 66 — 67 бетлар).

X асрнинг эътиборли тарихчиларидан Наршахийнинг маълумот беринича, Зарафшон дарёси қадимда “Рудн Мосаф” — “Мосаф дарёси” деб ном олган. Бу дарёга қўй сув йиғилгани, у бир талай ерларни ювиб—ўшириб, қўй лойқаларни сўриб келгани ва натижада бу ботқоқликлар тўлиб қолгани, сўнгра сув тўхтаб қолиши ва текисликларга айланиши ва шўхоят унинг ўрнида Бухоро шаҳрининг пайдо бўлганлиги ҳақида фан қизиқарли маълумотлар беради. Тарихчи ўз асарининг “Бухоро ва унинг атроф ерларидаги анҳорлар” бобида ўн иккита анҳор номларини ва оқиб ўтадиган географик ўринларини санаб ўтади. Зарафшоннинг асосий қўйи ўзани ҳисобланган ва Бухоро шаҳридан оқиб ўтадиган ариқни “Рудн Зар” дейдилар. Бу шаҳарни (суғорувчи) анҳордир”, —деб маълумот беради.

Бизнинг диққатимизни жалб қиладиган томони шундаки, Наршахий ўн иккита анҳор номини санаб ўтар экан, уларнинг ҳар бирининг ўз “энли” тарихини ва шу тарих билан боғлиқ айрим ривоятларни ҳам келтиради. Бундай ривоятларда у ёки бу анҳор номининг энли тарихидан таниқарн, жойлашган географик ўрин ва унда содир бўлган тарихий воқеалар билан боғлиқ айрим тарихий шахслар фаолиятидаги энлиодлар ҳам тилга олинади. Фикримизнинг далили учун Шонурком анҳорининг пайдо бўлиши, номларини тарихи ва этимологиясини изохловчи ривоятнинг қўйидаги намунасини келтирамиз. “...Иккинчиси Шонурком анҳори. Бухоронинг авом халқи буни Шонурком дейишади. Ривоятда келтирилишларича, ососийлар сулоласидан бўлган Кисронинг (Манбанинг изохиди Ҳисрав I (531—178) ёки Ҳисрав II (590—628) назарда тутилади—У.Ж.) фарзандларидан бири ўз отасига аччиқ қилиб, бу вилоятга келган, унинг номи Шонур эди. “Шур” эрон тилида “ўғил” демакдир. У Бухорога келганида Бухорхудо уни яхши қабул қилди. Шонур ов қилишни яхши кўрар эди. Бир дўни овга чиқиб у Шонурком томонига бориб қолади. У вақтларда ўша ерда ҳеч бир кишлоқ ва обод жой бўлмаи, ййлоқ ва ов қилинадиган жой бўлган. Бу ер Шонурга ёқиб қолиб, уни обод қилиш учун ўлуи йўсунда ўзига беришинини Бухорхудодан сўраган. Бухорхудо бу мавзени Шонурга берди ва Шонур у ерда катта анҳор қазитиб, уни ўз номи билан, яъни “Шонурком” деб атади ва бу анҳор бўйлаб кишлоқлар ва қаср бино қилди. Бу теваракни “Обавия

қинилоқлари” дейдилар. Шонур ана Вардона қинилоғини бино қилди на қаср қуриб уни ўзи учун турар жой қилиб олди. Шундай қилиб, у ерда катта бир мулк пайдо бўлди ва Шонурнинг вафотидан кейин қинилоқлар унинг авлодига мерос бўлиб қолди... (Қаранг: Наринахий. Бухоро тарихи, 34–35 бетлар).

Зарафшон дарёсидан Ўзиззахга келтирилган канал Туятортар деб номланади. Бу каналнинг қурилиши, номланиши тарихи ва этимологиясини ихчам сюжетлар асосида изоҳловчи ривоятлар ижодкор халқ оғзида жуда кўплаб вариантларда учрайди. Уларнинг бирида каналнинг қазилиши тарихи қуйидагича изоҳланади: “Канал қазини ниҳоятда оғир бўлгани учун узоқ муддатта чўзилиб одамлар озиқ–овқатсиз, кийим–кечаксиз қолибди. Шунга қарамасдан хон зулмидан ва ишбонилар тазйиқидан қўрққан меҳнаткан халқ канал қазини ишини давом эттирибди. Бир кун Бухоро хони Абдуллахон навкарлари на оқ туя миниб олган севикли ўғли канал бонига келиб қозибди. Оғир аҳволни ўз кўзи билан кўрган ўғил отасига юзланиб: “Ота, қилаётган ҳаракатларимиз беҳуда кетмоқда. Менга ишбатан дутф истифотингиз ҳурмати шу ишни тўхтатинг, ишлаётган мусофирларни ватанларига қайтарини тўғрисида фармон берсангиз”, —деб талаб қилибди. Хон бу фикр ёни боланинг ўзидан чиққан эмас, уни авом халқ тарафдори бўлган кишилар қўлга олган ва ўргатган, деб гумон қилиб, қилгични қинидан суғуриб, ўғлининг бошини олиб танилабди. Ва сўнгра қизмининга бирмунча шонилганидан афсус чекибди. Бу воқеани кўриб турган халқ бирданига “Алам”, “Алам” деб шовқин кўтарибди. Бу шовқиндан чўчиб, хон ўғли миниб келган оқ туя канал қазилмаган томонга—Ўзиззахга қараб қочиб кетибди. Абдуллахон ишбониларига туянинг изини йўқотмаслик ва тош билан белгилаб қўйишини буюрибди. Сўнгра канал шу оқ туя изи бўйлаб қазилибди ва унга Туятортар деб ном берилибди...”.

Қўрамызки, бу ривоят ижодкор халқ томонидан яратилган, лекин унинг замирида катта тарихий ҳақиқат маъниен мавжуд. Канал қазини вақтидаги қийинчиликлар, маҳаллий ҳукмдорлар, ишбонилар ва хон жабр—зулмининг ифодаси қисқа ва ихчам сюжет асосида шионарли тарзда талқин қилинган. Канал номи билан боғлиқ ривоятларнинг бошқа вариантларини ёзиб олган академик Я.Ғуломов ва журналист С.Анорбоевларнинг маълумот беришларича, ўғлдан қаттиқ ғазабланган хон канал бонига ёлғиз фарзандини ҳам, ниҳоят қилган айрим кишиларни ҳам шу ерда сўйдирадилар. Шу пайтда халқ “Алам”, “Алам” деб шовқин кўтаради ва бу ерни аламли (ғамли) деб атай бошлайдилар. Ҳлдирилган кишилар ва хон ўғлининг жасадини шу жойга кўминади. Кейинчалик бу жой топонимга айланади—Аламли деган қинилоқ номиин олади. Бу қинилоқ номи ва унинг ёниасидаги қадимий мазор ҳозирги пайтда мавжуд. У Ўзиззах

вилоятининг Бахмал туманига мансуб “Тоштортар” вирикат хўжадиги ҳудудидан ўтувчи “Туяттортар” каналининг ён бағрида жойланган. Бу қишлоқ ҳақида яратилган ривоятлар мазмунини ҳам канал қурилиши билан боғлиқ ҳолда талқин этилади.

Айрим тарихий манбаларда ва олимларимизнинг илмий асарларида келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, Бухоро хони Абдуллахон (1557–1598) ҳукмронлигида, 1575 – 1587 йилларда Туяттортар канали қазилган. Ўрта Осиёдаги сулғий каналлар ичида Туяттортар каналидай меҳнати оғир, суви кам, ўзи жарликдан оқадиган канал бўлмаган. Бу фикрнинг ҳақиқатга яқинлигини далиловчи канал қазинишлари билан боғлиқ бошқа вариантлардаги ривоятлар ҳам тасдиқлайди. Уларнинг айримларида бошқа топонимлар номлари ҳам тилга олинади. Бундай гуруҳдаги ривоятларнинг бирида айтилишича, Абдуллахон меҳнаткани халқни аёвсиз жабр–зулм билан ишлагиб жуда катта қийинчиликлар билан Зарафшон сувини Туяттортар канали орқали Жиззах воҳасига келтирибди. Ундан сўнг Бузғор териси ёрдами билан канал сувини Санзор дарёси устидан ўтказиб, ҳозирги Жиззах туманидаги Туркистон тоғ тизмалари ён бағридаги элмикор жойларга олиб борибди. Абдуллахон канал сувига қовун эктириб, биринчи ишган қовунни ўзига ҳадя қилишга фармон берибди. Хоннинг фармони амри вожиб. У ўзига келтирилган биринчи қовунни сўйиб кўрса, унинг ранги қизил чиқибди. Бу ҳолни кўрган хон унинг боисини ўз иридан айтиб беришини сўрабди. Шунда ири: Бунга сабаб—келтирилган сув учун минг—минглаб одамларнинг қони тўкилганидандир, —деб жавоб берибди. Шундан бери бу рангли қовун Абдуллахон қовуни, экилган жой “Қовунчи”, шу жойда яшайтган халқ эса “Қовунчиликлар” деб номланибди...

Бу ривоятнинг тарихий ҳақиқатга анча яқинлигини исботловчи икки муҳим эшик энизод—яъни далил унда сақланиб қолган. Уларнинг биринчиси ривоят сюжетида тилга олинган аниқ географик ўринлар (Жиззах, Санзор) ва иккинчиси қовуннинг Абдуллахон номидаги тури, қовунчи маҳалласининг номи Жиззах территориясида ҳозирги вақтда ҳам учрайди. Демак, ривоят аниқ географик ўринда содир бўлган воқеалар асосига қурилган.

Тошкент шаҳри ёнидаги Ялама (Ёлланма) қишлоғи ва Чиноз тумани ҳудудларини сув билан таъминловчи ариқнинг номи Қорақошлоқ ариғи деб номланади. Бу ариқ номининг келиб чиқishi тарихини изоҳловчи ривоятлар халқ оғзида жуда кўп ва вариантларда топилади. Уларнинг бирида айтилишича, ўтмишда Чиноз атрофидаги аҳоли яшайдиган сойларда Бўзсувининг ўнг ва чап соҳилларига сув чиқариш ниҳоятда қийин бўлибди. Шу сабабдан кўп вақтлар маҳаллий аҳоли канал қазиб сув чиқаришини ва боғ—роғлар яратишини орзу қилиб юрибди. Улар бир неча бор уринсалар

ҳам Бўзсув канали сув сатҳидан анча чуқур бўлганини учун сув чиқара олмабди. Юрт эгалари ва маҳаллий оқсоқоллар анди қандай қилиб сув чиқарамиз, деб ўйлашиб турганларида, ораларида пайдо бўлиб қолган бир чуққин қорателнак киёган ва зўр бир отин миниб олган йиғит сув чиқариш режасини айтибди. Сув оқимининг йўналишини белгилан учун қалин ёққан қор бўйлаб юра бошлабди. Канал қазинга келган маҳаллий аҳоли унинг оти изидан юра бошлабди ва канал чизигини белгилабди. Сўнгра канал қазини ишлари қизғин бошланибди. Ва ниҳоят сув канал бўйлаб оқиб келибди. Маҳаллий аҳоли ҳурсанд бўлганидан каналга из созиб берган йиғит Қорақалпоқ бўлгани учун бу йиғитнинг миллатини улуғлаб, ариққа Қорақалпоқ деб ном қўйибди...

Мазкур ариқ номи билан боғлиқ яна бошқа вариантлардаги ривоятлар борки, уларда бу ариқни қазини ишларида жуда кўп қорақалпоқликлар қатнашган, ариқ қазиб тугатилагач, уларни қайгадир олиб кетинган, шу сабабли ариққа Қорақалпоқ ариғи номи берилган, деб айтилади. Бундай ривоятларнинг замирида озгина тарихий ҳақиқат бор, деб ҳисоблаймиз. Чунки тарихчи олимларимизнинг фикрларига ва берган маълумотларига қараганда, 1889-1903 йилларда собиқ Чор ҳукуматининг Ўрта Осиёдаги вакиллари пахта ҳосилдорлигини оширини ва янги қуруқ ерларини ўзлаштирини мақсадида Тошкент агрофидаги Рус, Чинёз, Эски Жўн, Янги Жўн ва Искандар каби бир қатор маҳаллий ариқларда бошқа территориялардан одамлар олиб келиб мажбуран ишлатганлар. Балки бу ариқни қазини иши ҳар жойлардан олиб келинган кишилар қатори қорақалпоқликлар чеккага тушган бўлини ҳам мумкиндир. Бу ҳақди биз бирор ишончли фикр айтишга ожизмиз. Ариқнинг кимлар томонидан қазилганлиги бизни қизиқтирмайди, албатта. Диққатимизни жалб қиладиган томони шундаки, шу ариқ номи билан боғлиқ ривоятларнинг турли вариантларда яратилганлиги ва Қорақалпоқ миллатининг тилга олинганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, қадимдан Тошкент шаҳри марказидан ўтувчи Анҳор ўз сувини иккига—“Қонқус” ва “Чала” ариқларга бўлиб берган. Шунинг учун Чалаарикнинг тарихи қўшни “Қонқус” ариғининг тарихига қисман ўхшаб кетади. Бу ариқ номи ҳақида кўпгина ривоятлар эл оғзида учрайди. Уларнинг бирида айтилишича, қадим замонларда ариқдан сув ичувчи деҳқонлар ўз экинларини тўлиқ суғора олмас экан. Чунки ариқбонни шаҳарга яқин бўлиб, унда маҳаллий бойлардан Дўсимбой хожани деган ва бошқа амалдорларнинг ерлари бор экан. Улар ўзлари турган жойининг агрофидаги қуруқ ерларининг барчасини ўзлаштириб, ариқдан барча сувини ўзлариники қилиб олибди. Натижада, ариқ охиридагилар билан ҳисобланмаганликларни сабабли бу ариқдан сув ичувчи камбағал деҳқонларга сув етмас экан. Баъзан—баъзан тасодиф туфайли ариқ

суғоридаги сув ичувчиларининг ери чала суғорилар экан. Шунинг учун бу эриққа Чалаэриқ деб ном берибди...

Агар мамлакатимизнинг турли жойларига сафарга чиқиб, аjoyиб табиат манзараларини томоша қилсангиз, улар ҳақида турли вариантдаги афсоналарни ва ҳар хил мазмундаги ривоятларни эшитасиз. Узоққа бормай республикамизнинг тоғли раёнларидаги табиат манзараларига назар солайлик. Баҳор чоғида Шохимардон, Нурота, Ургут, Бахмал, Фориш, Зомин, Ғаллаорол каби раёнлардаги тоғли жойларда бўлсангиз, табиатнинг гўзал жамолини томоша қиласиз, қир—адирлар, майса гиламлар чиройли, зилол чашмалар, тоғлар беғрида шарқираб оқаётган шалолалар интиши сурамиз. Баҳор фаслида бу ерлар мамлакатимизнинг бошқа жойларига қараганда, мисолни келтирчакдек ясашиб, очилиб кетади. Гўзал ҳушхаво манзил-жойлиги билан киниларни ўзига ром қилади. Тоғлардаги чинма ва шалолаларнинг муздек суви инрилигидан кинилар уни “шарбат суви” деб атайдилар. Айниқса, Нурота, Бухоро, Ургут, Зомин ва Бахмалга шухрат келтирган, унинг довруғини таратган табиат аҳсонларидан бири ана шу чашмалар. Бироқ табиат инъомидан ислом динини инқоб қилиб олган айрим иймонсиз ва мунофиқ кишилар ўз манфаатлари йўлида, узоқ вақтлар фойдаланиб келганликлари бутуши кунда ҳеч кимга сир эмас. Улар табиий зилол чашмаларини плөхийлантириб, ислом дунёсига манхур найғамбарлар, авлиё—анбиёлар, шунингдек, плөхийлантирилган маҳаллий “авлиё”лар номи билан боғлиқ бойлик орттириш маибаига айлаштирдилар. Наттижада, турли—туман афсоналар яратдилар, уларнинг айримлари оммаланиб кетди ҳам. (Бу ҳақда қаранг: Жуманазаров У.А. Тарих, афсона ва дин, Тошкент, 1990 йил).

Лекин, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, диний қобиқдаги айрим топонимик ривоятларнинг аксарияти, айниқса, гидрономлар кўпроқ табиатнинг мўжизакор қудрати барио этган ғайритабиий кўллар, шар—шаралар, булоқлар ёки ғайриоддий кўринишдаги дарахтлар, тошлар билан боғлиқ ҳолда вуҷудга келган. Чунки ана шу ривоятлар орқали ота—боболаримиз табиатдаги ғайриоддийликни изоҳлаганга интиланлар.

Қўшни Қарғиистон давлатининг Новқат туманида қадимдан Обшир номли қишлоқ ва унда “Обшир ота” деб номланган шаршара бор. Мазкур шаршаранинг пайдо бўлиши ва номланиш тарихини ихчам сюжетлар асосида изоҳловчи бир неча вариантлардаги ривоятлар яратилган. Улардан бирини фольклоршунос Б.Саримсоқов 1977 йилда шу қишлоқ аҳолисидан ёзиб олган. (Унинг матнини бизга ҳадя этгани учун мазкур олимга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз—У.Ж.). Унда айтилишича, Ҳазрати Довуд ғайридидилар бостириб келганда, ўз қизларини

тоғининг ичига яшириб, ғайридинларга қарши ўзи жанг қилган экан. Кўн нақт жанг қилиб, уларни егиб, қизларининг олдига қайтиб келади ва:

—Қизларим, энди ташқарига чиқаверинглар, дунмаларимиз егилади, — дейди.

Лекин қизлар оталарининг овозини танимай, чиқинча кўнмайдилар. Шунда у қизларини яна чақиради, аммо улар:

—Бизнинг отамиз Довуд пайғамбар эди, сен бегонасан, — дейишади.

Шунда Довуд қизларига:

—Мен Довуд пайғамбарман, оталарингман, чиқақолинглар, — дейди.

Қизлари:

—Агар ҳақиқатдан ҳам сиз ота бўлсангиз, у ҳолда каромат кўрсатинг, — дейишади.

Ноилж қолган Довуд пайғамбар ҳасасининг учи билан тоққа уради. Ҳасса тоғининг тошларини тешиб, повдек тешик ҳосил қилади. Ана шу тешикдан сўтдек ошноқ сув оқиб оқа бошлайди. Шундан кейин Довуд: “Сенинг номинг Обшир—Сўт сув бўлсин”, — дейди. Бу кароматни кўрган қизлари оталарининг олдига чиқишади. Ўшандан буён тош қаъридан ошноқ сув оқиб ётади...

Ушбу ривоят диний қобиққа ўралган ҳолда берилган. Чунки табиатдаги мўъжиза сифат бу шарнара кишиларни ҳайратга солиган. Уларда бу мўъжизани изохлаш эҳтиёжи туғилган. Натижада темирчилар пири ҳисобланган Довуд пайғамбар образи Обшир шарнарасини изохловчи диний—топонимик ривоят вужудга келган. Бундай ривоят намуналари ҳозиргача ҳам халқ орасида жуда кўн...

Ўрни келганда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, чанма ва бўлоқларга тоғинини, уни илоҳийлангиринининг генетик илдиэлари кишилик жамиятининг жуда қадим даврларига бориб тақалади. Чунки, маълум ҳудудларда деҳқончиликнинг вужудга келиши, аҳолининг ўтроқланиши сув билан (шу жумладан, чанма ва бўлоқ сувлари билан ҳам) чамбарчас боғлиқ бўлган. Айрим манбаларда қайд этилинича, чанма ва бўлоқ сувларига сажда қилиш деярли 3000 йил бурун, яъни ўлкамизда илк деҳқончилик маданияти вужудга келган даврларда мавжуд бўлган. (Қаранг: “Деҳқончилигимизнинг кўҳна илдиэи”, “Фан ва турмуш”, 1985, № 1). Масалан, “Муқаддас”, “Сби зам—зам” га (“зам—зам” қудуғининг сувига) араблар бундан 2500 йил бурун ҳам еғинганлари ҳусусида юнен тарихчиси Геродот маълумот ёзиб қолдирган. Ваҳолангки, бу чанмага тоғинини, ислон динидаги кишиларга хос одат ҳисобланиб келади (Бу ҳақда қаранг: “Фан ва турмуш” журналин, 1985, №41, 21—бет).

Ўзбек диний—топонимик, айниқса гидрономик ривоятлар намуналаридан “Ҳазрати Айюб бўлоқлари”, “Чанман Айюб”, “Оби ҳаёт”,

“Оби замзам” номли ривоятларнинг тарихий асосларини ва сюжетини қиёсий—типологик жиҳатдан ўрганиш шунинг кўрсатадигани, генетик жиҳатдан барча бўлоқлар она табиятнинг сирли мўъжизаси сифатида, тоғлардаги тўқилиб қолган қор ва ёмғирларнинг тоғлар орасидан сизиб чиқиб келиши натижасида юзага келган. Улар ислом дини Ўрта Осиёга кириб келганидан кейин “Муқаддас”лангирилиб, ислом дунёсидаги маниҳур найғамбарлар номларига инсбатан берилган. Ҳагго у ёки бу найғамбарларнинг мўъжизалари билан бариво қилинган, деган ҳар хил афсоналар ҳам тўқилган. Маҳаллий қишлоқ жойларидаги айрим шифобахшлик хусусиятига эга бўлмаган бўлоқлар ҳам “муқаддас”лангирилиб, улар ҳақида ҳам турли хил вариантлардаги ривоятлар ва афсоналар юзага келган. (Қараңг: Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин, 120—124—бетлар).

Хулласе, топонимик ривоятлар халқ прозасининг мустақил жанри—ривоят жанрининг алоҳида гуруҳини таниқил этади ва у ўз навбатида бир неча ички гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳларга мансуб ривоятлар ўзига хос бир қатор хусусиятларини бир—биридан фарқланиб туради.

Топонимларнинг пайдо бўлиши, номланиш тарихи, этимологияси ҳамда эволюцияси узок ва мураккаб тарихий жараён бўлгани каби топонимик ривоятларнинг ҳам яратилиш, оммаланиш ва тарқалиши билан боғлиқ “эник тарихи” мавжудки, бу “тарих” ўз навбатида, генетик асосига кўра, ижтимоий—сиёсий, тарихий—географик, этнографик, ономастик ва лингвистик фактлар билан боғлиқ. Топонимларнинг пайдо бўлиши, номланиш тарихи ва этимологияси гўё бир қараида тасодифий бўлиб кўринсада, аҳоліда турли даврларнинг ижтимоий—сиёсий ва тарихий ҳаёт билан чамбарчас боғлангани, бу боғланишларини аниқлаш, топонимларнинг ўз тарихини кашф этиш ва шу асосда топонимик ривоятларнинг тарихий асосларини илмий тадқиқ қилиш тарихий фольклоршуносликнинг бевосита вазифаси саналади.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Биз юқорида топонимик ривоятлар гуруҳидан этнотопонимик, ойконимик, оронимик ва гидронимик ривоятлар ҳусусида ўзимизнинг дастлабки мулоҳазамизни қисқача баён қилдик, айрим тарихий, этнографик, ономастик ва топонимик адабиётлардаги, у ёки бу ижодкорлар, ихтисосчи олимлар асарларидаги, шунингдек, қўлга киритилган ва ўзимиз тўнлаган фактик материаллардан зарурий ўринларда унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Қўрамызки, ҳар бир топонимларнинг номланishi, этимологияси ва уларни ихчам сюжет асосида изоҳловчи ривоятларининг яратилиши бежиз ва бесабаб эмас. Бинобарин, топонимик номларни маданий ёдгорлик сифатида ёзиб олиш, тўнлаш ва илмий-лингвистик ва тарихий этнографик жиҳатдан тадқиқ этиш фан учун қанчалик даражада аҳамиятга эга бўлса, топонимик ривоятларининг ҳар бир гуруҳига мансуб фактик материалларни тўнлаш, напир қилиш ва ўрганиш каби ишларни баҳоли қудрат олиб бориш ҳам муайян даражада аҳамиятlidir. Шу нуқтаи назардан топонимик ривоятлар ва унинг ички кўринишлари ҳақидаги дастлабки фикр-мулоҳазаларимизни ҳурматли китобхонлар ва ўқувчи талабалар ҳукмига ҳавола этишни лозим тондик. Бинобарин, бизнинг дастлабки қўзатишларимиз мунозарали ўринлардан ҳоли эмас. Унинг талабчан ва зукко китобхон ҳукмига ҳавола қилиниши кейинчалик муаллифлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни тузатиш, керакли ўринларни эса янада кучайтириш ёки ортикча ўринларни қисқартиришга кўмак беради, деган умиддамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абрамзон С.М. Народные предание как источник для изучения этнической истории киргизов центрального Тянь-Шаня. // Этническая история народов Азии. —М., 1972.
2. Азбелов С.Н. Отношение предания, легенды и сказки действительности // Славянский фольклор и историческая действительность —М., 1965, с.18-20.
3. Алимов У, Ахроров И, “Азим Бухоро - қадим Бухоро” // “Фан ва турмуш”, 1985, №1, 30 — бет.
4. Басилов В.Н. Культ святых в исламе, Т, 1970, с.127; “Сирдарё ҳақиқати”, 1990, 10 март.
5. Бугенов К.Ф., “Минеральные богатства Бухари”. // Горный журнал. 1842, ч. IV, кн. XI. С. 138.
6. Валихонов У. Собрание сочинений. В пяти томах. Т. 1, с. 470, этнография каракалпаков XIX — начала XX века 1980, с. 192.
7. “Деҳқончилигимизнинг кўҳна пидизи”,//“Фан ва турмуш”,1985 йил. №1.
8. Дўсенмов З., Эгамов Х, “Йўй помларининг қисқача изохли дугати”; Т. 1977, 15-бет.
9. Дўсенмов З. “Хоразм топонимлари”, Т. 1985, 14-15; 93-бетлар.
10. Джикиев А. Исторические рассказы и предания об этнических процессах в южной Туркестане в XVII-XIX вв. // Очерк этнический истории и форми-рование население Южного Туркестана. —Ашхабад, 1977, с. 112-113.
11. Джикиев А. Народные предание о происхождение туркмен.// Проблемы этногенеза туркменского народа. —Ашхабад, 1977, с. 121-132.
12. Икбоборов И. “Кўҳна ҳаробалар сирин”, Т. 1968 й. 10-14-бетлар.
13. Иквалиев Т. “Табиат, инсон ва дин” Т. 1986 й, 13-14; 37-бетлар.
14. Икданко Т.А. “Исторический фольклор каракалпакского народа как источник изучения этногенеза и этнокультурных связей этого народа. // Этническая история и фольклор. М., 1977 г.
15. Икуманазаров У., Эргашева Г. “Топонимик ривоятлар ва афсоналар географик манба сифатида”, // Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари, Т, 1990 й. 95-106-бетлар.
16. Икуманазаров У. “Тарих, афсона ва дин”, Т. «Ўзбекистон» 1991 й.
17. Икуманазаров У. Историзм народных образов и социальная обусловленность. // Материалы научной конференции профессорско — преподавательского состава Джизакского госпединститута. —

Ташкент, Ўқитувчи, 1989. с. 40-42

18. Жуманазаров У. "Этноимик ривоятларда халқ эник тарихи", // "Этнокультурные проблемы народов Средней Азии". —Джизак. 1989.
19. Жувоимардиев А. Шаҳарнинг номлари баҳс., // "Ер ва эр", 1962 й. №4, 29-бет.
20. Зибноев В.Ф.О., "Чёрный и белый магги", М. 1965, с. 150.
21. Имомов К. "Ўзбек халқ прозаси", Т. 1981 й. 94-100-бетлар.
22. Курс Узбекистана, Т. МН, Т. 1970, с. 6-11; 22-37; 47-62; 71-101.
23. Крипическая Н.А. Персонажи преданий: становление и эволюция образа. —Л., 1988.
24. Крипическая Н.А. Персонажи преданий: Русская народная историческая проза. Вопросы генезиса и структуры. —Л., 1987.
25. Мухаммадзонов А. "Қўйи Зарафшон водийсининг суғоришин тарихи", Т. 1972 й. 66-67-бетлар.
26. Муродов М., "Сарчанмадан томчилар", Т. 1984 й.
27. Молдавбаев И.Б. Отражение этнических связей киргизов в эпосе "Манас". —Фрунзе, 1985 г.
28. Наринский, "Бухоро тарихи", Тошкент 1971 йил 34-35-бетлар.
29. Нафасов Т. "Қишлоғимиз нега шундай аталган?", Т. 1989, 87-88-бетлар.
30. ПТКЛА, Т., 1972, с. 4; Петраш Ю.Г., "Қадамжолар сир", Т. 1965й. 25-бет.
31. "Сирдарё ҳақиқати", 10 март, 1990 йил.
32. Толстов С.П. "Қадимги Хоразм маданиятини излаб", Т. 1984 й. 81-83-112-117-бетлар.
33. Қориев С. Тононимика— "Жой номлари ҳақидаги фан", Т., 1980, 22-бет.
34. "Фан ва турмуш", 1985 йил, №10, 16-17-бетлар.
35. Ҳ.Ҳасанов, "Ўрта Осиёлик географик ва сайёҳлар", Т., 1964, 191-бет.
36. Штернберг Л.Л., Первобития релегия с света этнографии. Л., с.380-381.
37. Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа. Т. Фан., 1974.
38. Шаниязов К.Ш. Узбеки — карлук. Историко — этнографический очерк. —Тошкент. Фан., 1974.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Этнотопонимик ривоятлар.....	4
Ойконимик ривоятлар.....	12
Орономик ривоятлар.....	27
Гидрономик ривоятлар.....	39
Хулоса ўрнида.....	48
Фойдаланилган адабиётлар.....	49

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ НАШР

У.А.Жуманазаров
Г.У.Жуманазарова

ТОПОНИМИКА ВА ХАЛҚ ПРОЗАСИ (ўқув қўллашма)

Муҳаррир: О.Жўраев
Техник муҳаррир: Э.Мукумов
Мусахҳиҳ: Б.Ҳамидова

«Сангзор» нашриёти. 708000
Жиззах шаҳри, Сайилжойи кўчаси 4-уй.

Теришга берилди 26.07.2005 й. Босишга рухсат этилди 01.08.2005 й. Қоғоз
бичими 84 х 60 1/16.. Ризография усулида, 70 гр/м2. . Ҳисоб-нашриёт 3,02
3,04 шартли босма табоқ. 090-букортма. 500 нусхада.
Баҳоси шартнома асосида



Жиззах шаҳри, «Sfi» босмахонаси, А.Азимов кўчаси, 81 уй.
Тел: 8 (372) 22222-34